

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**



**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЖТИМОЙ- ИҚТИСОДИЙ ФАКУЛЬТЕТ**

**“Миллий ғоя ва фалсафа”
кафедраси**

5141500 - “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ
таълими” йўналиши 5-45 гуруҳ талабаси

Яхшибоев Камолнинг

бакалавр даражасини олиш учун ёзган

**“ИСЛОМ МАЪРИФАТИ МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯ
ОМИЛИ”**

мавзусидаги

БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ

Ҳимоя учун қабул қилди “Миллий
ғоя ва фалсафа” кафедраси мудири
ф.ф.н.доц. С.Исмоилов_____

_____“ _____” _____2013 йил

Илмий раҳбар “Миллий ғоя ва
фалсафа” кафедраси ўқитувчиси
Б.Боймуродов _____

_____“ _____” _____2013 йил

ИСЛОМ МАЪРИФАТИ МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯ ОМИЛИ

РЕЖА.

I-БОБ. Ислом маърифатининг манбалари.

- 1.1. Ислом илми ва маърифати ҳақида.
- 1.2. Қуръон ва Ҳадислар маънавий-маърифий ғоялар асоси.

II-БОБ. Ислом маърифати ва мафкуравий тарбия.

- 2.1. Истиқлол йилларида миллий тикланиш жараёнлари.
- 2.2. Ислом маърифатининг мафкуравий тарбиядаги ўрни.

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги шундаки, мустақиллик туфайли Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қиладиган демократик, ҳуқуқий давлат ҳамда фуқаролик жамиятини барпо этиш, бозор муносабатларига асосланган кўп укладли иқтисодни шакллантириш, миллий кадриятларимизни тиклаш, уни умуминсоний кадриятлар билан муштарак равишда ривожлантириб, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш йўлини танлади ҳамда унга изчиллик билан амал қилиб келмоқда. Табиийки бунда Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон жамият барпо этишни ўз орлдига бош мақсад қилиб қўйган, халқимизнинг асрий орзу ва истакларининг ифодачиси бўлган Миллий истиклол мафкураси ва мафкуравий тарбиянинг ўрни бениҳоя каттадир. Мафкуравий тарбиянинг самарадорлигини, яъни фуқароларнинг эзгу ғолар остида бирлашиши, Ватанпарварлик, фидоийлик, юксак маънавий фазилатларнинг фуқаролар тафаккурида мустаҳкамланиши ва жамият ҳаётида самарали намоён бўлишида миллий менталитетимизнинг ажралмас қисми бўлган ислом дини ва маърифатининг аҳамияти бекиёсдир. Демак мафкуравий тарбия жараёнларининг янада муваффақиятлилигини таъминлаш, ислом маърифатини янада чуқурроқ ўрганишни талаб қилади. Ислом маърифати Комил инсонни тарбиялаш борасидаги ишларнинг самарадорлигини белгилаш билан бирга, мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашнинг ҳам муҳим омилларидандир.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов етук маънавиятнинг жамият тараққиётидаги, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашдаги хал қилувчи аҳамиятини кўсатиб, шундай деган эди: “Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш – Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир... Бу хазина инсонга ҳаётда барқарорлик бағишлайди, унинг қарашлари шунчалик бойлик орттириш йўлида кун кўришга йўл қўймайди, фожиалар вақтида омон сақлаб қолади ва моддий қийинчилик

кунларида иродани мустаҳкамлайди”¹.

Битирув малакавий ишнинг мақсади:

Ислом маърифатининг мазмун ва моҳиятини ёритиш ва мафкуравий тарбия омили сифатидаги ўрнига баҳо бериш бўлиб, бунинг учун қуйдаги вазифалар белгиланди:

-Ислом маърифатини тарихий ривожланиш босқичларини таҳлил қилиш;

-Ислом маърифатининг тарихий аҳамиятига баҳо бериш;

-Миллий истиқлол мафкураси ва ислом маърифати ўртасидаги тарихий боғлиқликни таҳлил қилиш ;

-Фуқароларни миллий истиқлол мафкурасига содиқ ҳолда тарбиялаш ва баркамол авлодни тарбиялашда, мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашда ислом маърифатининг ўрнини ёритиш.

Битирув малакавий ишнинг янгилиги: ислом маърифатининг нафақат миллий истиқлол мафкурасига содиқ фуқароларни тарбиялашдаги аҳамияти, балки глобаллашув ва мафкуравий курашлар шароитида мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашдаги юксак аҳамиятининг эътироф этилишидир.

Битирув малакавий ишнинг таркибий қисми: Кириш, иккита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва манбалар ҳамда иловалардан иборат.

Битирув малакавий ишнинг кириш қисмида масалани муаммоси, мақсади ва ечимига баҳо беришни лозим топдик.

Биринчи бобда ислом динининг вужудга келиши, мазмуни ва моҳияти, уни тўлдирувчи манбалар, ислом илми ва маърифати ҳақида,

¹ Каримов И. Ўзбекистоннинг ыз исти=лол ва тара=иёт йили. -Т.: Ўзбекистон. 1992. 70-72-бетлар.

Қуръон ва Ҳадислар маънавий маърифий ғоялари ва уларнинг миллий тарбия жараёнидаги ўрни ҳақида тўхталиб ўтилган.

Иккинчи бобда, истиқлол йилларида миллий тикланиш жараёнлари, миллий истиқлол мафкураси ва ислом маърифати ўртасидаги боғлиқлик, ҳозирги шароитда ислом маърифатининг мафкуравий тарбиядаги ўрни, маънавий жиҳатдан етук миллий ғоя ва Ватанига содиқ фуқароларни тарбиялашдаги аҳамияти батафсил таҳлил қилинган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси:

Бугунги кунда ислом маърифатини ўрганиш, уни комил инсон тарбияси ебаи буюк мақсадларга жалб этиш, фуқароларни миллий истиқлол мафкураси руҳида тарбиялаш борасидаги ролини ошириш юзасидан талайгина тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу тадқиқотларнинг долзарблиги Президентимиз И. Каримовнинг Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008, И.А.Каримов. Маънавий юксалиш йўлида. Тошкент. Ўзбекистон. 1997, Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т., 1998, Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. - Т.: Ўзбекистон, 1992, Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни - халқ, миллатни - миллат қилишга хизмат этсин. -Т.: Ўзбекистон, 1998 каби асарлари ва маърузаларида асослаб берилган эди.

Шунингдек таниқли исломшунос олимлар, жумладан, Уватов У. Буюк муҳаддислар: Имом ал-Бухорий, Имом Муслим, Имом ат-Термизий. Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 1998, Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. К. 1. – Т.: Ёзувчи, 1996 асарларида ислом маърифатининг комил инсон тарбиясидаги аҳамияти бошқа тадқиқотларга нисбатан кенг қамровлилиги билан ажралиб туради.

Таниқли маънавиятшунос олим А. Эркаев. Маънавият ва тараққиёт. Т., Маънавият, 2009, шунингдек Ўзбекистон йўли. Т., Маънавият. 2011 асарларида ислом маърифатини мафкуравий тарбия жараёнларига тадбиқ этиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги масалалари

чуқур таҳлил қилинганлиги билан ажралиб туради.

Умумий фикрлар, нуқтаи назарлар хулоса қисмида ифодаланган.

Битирув малакавий ишидаги келтирилган маълумотлар Олий ва ўрта махсус касб таълими талабалари учун Дунё динлари тарихи, Диншунослик асослари Маънавият асослари, Маданиятшунослик, Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар, Ватан ва жаҳон тарихи фанларидан қўшимча манба сифатида хизмат қилади.

I-БОБ. ИСЛОМ МАЪРИФАТИНИНГ МАНБАЛАРИ

1.1. ИСЛОМ ИЛМИ ВА МАЪРИФАТИ ҲАҚИДА

Башарият тараққиётини дин, диний эътиқодсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Дин тушунчаси ўзбек тилига араб тилидан кириб келган бўлиб, ишонч, инонмоқ маъносини билдиради. Бизнинг фикримизча, дин реал воқеликдаги, ижтимоий ҳаётдаги нарса ва ҳодисаларни табиатдан, жамиятдан ташқарида мавжуд деб ҳисоблайдиган, уларни ўзига хос тарзда акс эттирадиган маънавий эътиқод ва амалнинг бир туридир. Дин-борлиқни яратувчи ва бошқарувчи, адолатнинг юксак намунаси, моддий оламга хос бўлмаган ва айна вақтда баркамолликнинг олий кўриниши сифатида кўрилувчи олий мавжудотга, яъни Худога нисбатан муносабат, тасавуф, урф одат ва маросимлар мажмуидир¹.

Дин инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган мураккаб ижтимоий, маънавий ва руҳий вазифаларни ҳам бажаради. Хусусан, у аҳолини энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд этиш учун хизмат қилади.

Эътиқод сўзи ҳам араб тилидан кириб келган бўлиб, чуқур, мустаҳкам ишонч маъносини англатади- Демак, диний эътиқод деганда мустаҳкам, чуқур ишонч, маслак, ишониш тушунилади. Илоҳиёт, яъни диний таълимот нуқтаи назардан "дин", "диний эътиқод" тушунчалари жамият, инсон, унинг онги ҳаётнинг маъноси, мақсади ва тақдири уни бевосита қуршаб олган моддий оламдан ташқарида бўлган, уни гўё яратган, айна замонда инсонларга бирдан-бир "тўғри", "ҳақиқий", "одил" ҳаёт йўлларини кўрсатадиган ва ўргатадиган илоҳий кучга ишонч ва ишонишни ифода этадиган маслак, қарашлар, таълимотлар мажмуидан иборатдир. Ҳар бир дин жамиятнинг тарихий тараққиётидаги ҳолати: ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт даражаси, полиэтник ва полетистик ҳолатидан келиб чиқиб ривожланиб боради.

¹ Фалсафа. Қомусий луғат. -Т.: Шарқ. 2004. 112-бет.

«Ислом» атамаси араб тилидан олинган бўлиб, ўзбек тилига «итоат, бўйсунуш, Оллоҳга ўзини топшириш» деб таржима қилинади. Ислом дунёда кенг тарқалган уч дунё динларидан бири ва пайдо бўлишига кўра энг ёшидир. Ислом динига эътиқод қилувчилар арабчада муслим (бўйсунган, садоқатли) деб аталади. Ҳозирги кунда жаҳонда 1,4 млрд. киши исломга эътиқод қилиб, жаҳон динлари ичида уларнинг сони бўйича ислом иккинчи ўринни эгаллайди.

Маълумки, ҳозирги кунда ҳам, ўтмишда ҳам бизнинг халқимиз тарихида Ислом дини катта ўрин тутган. Бу ҳақда Президент И.Каримов шундай дейди: «Айтмоқчиманки, биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айри ҳолда асло тасаввур қила олмаймиз. Диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз. Хоҳ ёш бўлсин, хоҳ кекса бўлсин, ҳар бир ўзбек нимагаки муносабат билдирмасин, албатта уни беихтиёр яратгувчининг номи билан боғлайди»¹.

Ислом дунёда кенг тарқалган жаҳон динларидан бири. Осиё, Африка ва Европа қитъаларида яшавчи халқларнинг бир бўлаги исломга эътиқод қилади. Ер юзида исломга эътиқод қилувчилар сони 1 миллиарддан ошади.

Ислом дини дунёқараш сифатида кенг тарқала бориши билан бирга аста – секин унинг назарий, фалсафий, ҳуқуқий томонларини ишлаб чиқишга эътибор кучая бошлади. Натижада IX – XI асрларга келиб Қуръонга асосланган махсус ислом илмлари, яъни исломни турли томонлама мустаҳкамлаш ва уни талқин этишга қаратилган махсус диний илмлар шакллана бошлади. Масалан, Қуръондан сўнги манба ҳисобланган ҳадислар, яъни Муҳаммад пайғамбарнинг насиҳат, сўз, ривоятларни тўплашга қаратилган махсус йўналиш – Ҳадисшунослик ривожланди. Бу жараёнда қадимий анъаналарга бой бўлган Марказий Осиёдан етишиб чиққан алломалар, Ал – Бухорий, ат –Термизий, ал –Мотурдий, Насафий, Ал – Марғилоний, Кубро, Нақшбанд, Яссавий ва бошқалар катта ҳисса қўшдилар.

¹ Каримов И. Оллоҳ қалбимизда ва юрагимизда. -Т.: 1999. 5-бет.

Ислом илмлари ичида авваламбор илоҳиёт фалсафаси калом, сўнг хадисшунослик, фикҳ – ҳуқуқшунослик, қуръон тафсири муҳим ўрин эгалаган ва асосан диний масалаларни ҳал этишга қаратилган эди. Калом ислом илоҳиётининг ўзига хос масаласи, диний ақидаларни асослайди, унинг илмий тамойилларига таянади. Ватандошимиз Мотурдий калом илмининг ақл мақомига алоҳида эътибор қаратган, мотуридия мактабини яратган.

IX – X асрларга келиб қадимги юнон илмий меросини ислом Яқин Шарқида ёйилиши натижасида уни турлича талқин этиш, масалан мутъазалийлар таълимоти, каломни янада ривожлантиришга интилиш кучайди. Бу жараён исломда машшойиунлар ва табиийунлар (Арасту фалсафаси ва табиатни ўрганишга аҳд қилганлар) фалсафий қарашлари шаклланди. Қадимги юнон фалсафасида сиёсат ва фалсафа карама қарши қаралса, ислом фалсафасида уйғунликда қаралади.

Ислом динида икки асосий йўналиш - суннийлик ва шиалик мавжуд. Учинчи йўналиш - хорижийлар -VI асрнинг иккинчи ярмида деярли йўқ бўлиб кетган. Суннийлик йўналиши "Аҳли сунна вал жамоа" деб аталади ва туртга - ҳанафий, шофий, моликий, ҳанбалӣ мазҳабларидан иборат. Булар ичида энг оммавийлашгани Ҳанафӣлик бўлиб ислом илми ва маърифати ривожида ҳал қилувчи ўрин тутди.

Ҳанафӣ мазҳабидаги фикҳ масалалари уч қисмга бўлинади:

- аслий масалалар
- нодир масалалар
- фатволар.

Ҳанафӣ мазҳабининг қонунлари бошқаларга нисбатан мўътадиллиги ва қулайлиги, халқларнинг маҳаллий анъаналарини эътиборга олганлиги сабабли дунёда кенг тарқалган. Суннийлик йўналишига мансуб бўлган мусулмонларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи мазкур мазҳабга киради.

Ҳанафӣ мазҳаби кўпгина араб давлатларида, Африканинг айрим давлатларида, Туркия, Хиндистон, Покистон, Бангладеш, Афғонистон, Хитой, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мусулмонлари орасида кенг

ёйилган. Ҳозирги кунгача Ал-Азҳар университети айнан шу мазҳаб таълимотига кўра шаръий фатво чиқаради¹.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳис-саломнинг вафотларидан кейин ислом динида турли соҳаларда бўлинишлар юз бера бошлади. Улардан энг аввалгиси ҳокимият масаласида бўлиб, бу бўлиниш ислом мафкурасининг шаклланишида ҳам катта рол ўйнади. Мусулмонлар давлатида ва мафкурасининг тараққий этиши, қўшни мамлакатлар билан муносабатларнинг ўрнатилиши мусулмон илоҳиётининг тараққий этишига турки бўлди¹.

VII-VIII асрлар чегарасида исломда имон масаласида бўлиниш юз берди. Хорижийлар бу масалада қатъий мавқеини эгалладилар. Уларнинг фикрича имон ва амал биргаликда мусулмоннинг имонини ташкил этади. Гуноҳи кабира (улкан гуноҳ) қилган киши мусулмонликдан чиқиб кофир бўлади, деб ҳисобладилар. Бу таълимот сиёсий тус олди, чунки ўша даврда Умавийларни ҳокимиятдан четлатиш учун қўл келарди.

Муржиъийлар эса аксинча, бу масалага бағрикенглик билан ёндашдилар. Уларнинг таълимотларига кўра ҳар бир Аллоҳга, унинг Пайғамбар ва китобларига имон келтирган киши мусулмон ҳисобланарди. Улар гуноҳи кабира қилган кишини имондан чиқмайди, амал иккинчи даражали нарса, деб эълон қилдилар. Улар шу билан бирга Умавийларга садоқатларини билдирдилар.

Муътазилийлар бу масалада ўртача мавқеда турдилар. Улар мусулмонлик ва кофирлик орасидаги ал-манзила байнал манзилатайн (икки манзил орасидаги мавқе) таълимотини ишлаб чиқдилар. Уларни таъкидлашларича, имон келтирганидан сўнг гуноҳи кабира қилган киши кофир ҳам мусулмон ҳам бўлмайди., балки оралик ҳолатда қолади.

Бу тортишувлар орасида тақдир масаласи ҳам долзарб бўлиб қолди.

¹ Ҳусниддинов З.М. Ислам: йўналишлар, мазҳаблар ва оқимлар. -Т.: Мовароуннаҳр. 2000. 76-бет.

¹ Абдусамедов А.Э. Динлар тарихи. -Т.: ЎзМУ. 2004. 108- бет.

Инсонинг барча амаллари Аллоҳ тарафидан мутлақ белгилаб қўйилган, деб эътиқод қилувчилар жабарийлар (ёки жабриййа, мужбира) деб аталдилар. VII аср охирида чиққан оқим тарафторлари инсон ўз тақдирини ўзи белгилайди, деган фикрни олға сурдилар. Улар қадарийлар, деб аталдилар. Бу ғояни кейинчалик маътазилийлар давом эттирдилар.

Муржиъийлар тақдир масаласида нейтрал қолдилар. X аср бошида ал-ашъариййа калом мактаби анъанавий ислом ақидасини ақлий тафаккур асосида мустаҳкамлашга ҳаракат қилди. У тақдирнинг олдиндан белгиланиши ва ирода эркинлиги орасида мурасали таълимотни ишлаб чиқди. Уларнинг таъкидлашларича, Аллоҳ барча нарсани, жумладан инсонинг амалларини ҳам олдиндан яратиб қўйган, аммо инсон бу амалларни қўлга киритиб, уларнинг бажарилишида рол ўйнайди. Инсоннинг тайёр амалларни касб этиши ҳақидаги бу таълимот турли тортишувлари ва ихтилофли фикрлар билан қарши олинди.

VIII асрда мусулмон калом илми вакиллари - мутакаллимлар орасида Аллоҳнинг зот ва сифатлари хусусида тортишувлар юзага келди. Исломнинг илк даврида Қуръонида айтилган сўзларни тўғридан-тўғри тушунилиши натижасида Аллоҳ таоло ҳақида антропоморфик (инсонга ўхшатиш - ташбиҳ) тасаввурлар мавжуд эди. Зоҳирийлар ва ҳанбалийлар Қуръонда айтилган сўзларни ҳарфий тушунилиши тарафдори бўлган бўлсалар, бошқа мусулмонлар уларга имон келтиришда било кайфа - қандай деган саволни бермасдан ёндошувга келишдилар.

Исломда Қуръоннинг табиати ҳақидаги тортишувлар ҳам мавжуд эди. Баъзи гуруҳлар (хусусан, муътазилийлар) Қуръонни махлуқ - яратилган десалар, бошқалар (хусусан, ҳанбалийлар) ғайр махлуқ - яратилган эмас деб ҳисоблардилар.

Исломдаги ғоявий бўлинишлар натижасида VIII аср ўрталарига келиб фирқа, тоифа, милла деб аталувчи камида беш хил оқим мавжуд эди. Улар - хорижийлар, шиалар, муржиъийлар, муътазилийлар ва суннийлар эдилар. Мусулмон илоҳиётида ҳидоят ва залолат масаласи долзарб бўлиб қолди. Бу

гуруҳларнинг ҳар бири ўзларининг ҳақ эканликларини Қуръон оятларидан далиллар келтириб исботлашга зўр берар эдилар. Суннийликда Пайғамбарнинг 73 фирқа ораисдан нажот топувчи ягона фирқа аҳл ас-сунна ва-л-жамоъадир, деб айтган сўзлари асос қилиб олинди. Исломда христианликдаги каби диний ақида масалаларини - марказдан туриб бошқарадиган ягона институт йўқ эди. Бу масала халифаларнинг вазифалари қаторига ҳам кирмас, балки бу иш билан уламо ва фикиҳлар шуғулланар эидар.

Турли ихтилоф фикрларнинг вужудга кедиши кўпинча турли фирқалар бир-бирини бидъат ва заолатда айблаш ҳолатларини юзага келтирди. Ўрта асрлардаги фирқалар ҳақида асар ёзган муаллифлар бу фирқалар ҳақида бир тарафлама маълумот берадилар.

Халифа Маъмун даврида (813-833) исломда биринчи марта ақида масаласида давлат томонидан бошқарувни ўрнатишга ҳаракат қилинди. Аммо уларнинг таълимотига кўпроқ муътазилийлик элементлари таъсир кўрсатган эди. Бу эса ўзларини ислом ақидасини ҳимоя қилувчилари ҳисоблаган ҳанбалийларнинг кучли реакциясига сабаб бўлди.

X-XI асрлар чегарасида исломда мусулмонларни бирлаштириш атрофида кетган ҳақликка даъвогарлик бўйича тортишувлар ўз ечимини топмагач, бир томондан анъанавий ислом тарафдорлари суннийлар, иккинчи томондан имомий-шиалар, муътазилийлар, ашъарийлар орасидаги кескинлик кучайди. Халифа ал-Қодир (991-1031) анъанавий исломни барча мусулмонлар учун мажбурий давлат ақидаси қилиб белгилади ва бу ақидадан чиққанларни кофир деб эълон қилди. Бу ҳам турли оқимларга бўлинишларга барҳам бера олмади. Бу курашда суннийлик илоҳиётининг намояндаси Ибн Таймия (в. 1328 й.) кўзга кўринган вакил эди. У илк ислом даврига қайтиш ва ҳақиқий имон асосида диний бирликни ўрнатиш учун ҳаракат қилди.

Бундай турли фикрлилик билан бир қаторда турли халқлар орасидаги фарқлар ҳам исломдаги ҳар хил оқимларнинг келиб чиқишида ўзининг таъсирини кўрсатди. Назарий ислом билан амалий ислом, халқ исломи билан

расмий ислом ораисда ўзига яраша фарқлар мавжуд эди. Ислом турли халқлар орасига кириб бориши натижасида у ўзига халқлардаги мавжуд таълимотларни қабул қилиши натижасида ҳам унда янги фикрлар ва оқимлар вужудга келди.

1.2. ҚУРЪОН ВА ҲАДИСЛАР МАЪНАВИЙ МАЪРИФИЙ ҒОЯЛАР АСОСИ

Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда бизнинг олдимизга қўйилаётган муҳим вазифалардан бири, бой маънавий меросимизни холисона ўрганиш орқали, ватанимиз келажаги ҳисобланган ёшларни комил инсон қилиб тарбиялашдан иборат. Ўтмиш маънавий меросимизни холисона ўрганиш, тарғиб этиш, ўзбек халқининг асл миллий-маънавий қадриятлари, тарихий ўзлигини, ўзбекона руҳ ва менталитетини қайтадан тиклаш, замонавий мазмун бериш орқали ёшларда мустақиллик мафқурасини шакллантириш учун асос бўлади.

Ҳозирги даврда мустақил Ўзбекистоннинг келажаги бўлган ёш авлодни ҳар томонлама етук, баркамол инсон қилиб тарбиялаш энг асосий вазифаларимиздан биридир.

Мустақил республикамиз янги тарихий босқичга, XXI асрга қадам қўйди. Ўзбекистоннинг ҳозирги кундаги бош ва асосий мақсади-бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий, демократик давлат ва эркин фуқоролик жамиятини қуришдан иборатдир. Бунинг учун ҳар бир Ўзбекистон фуқароси

аввало, шахсий фаоллик, билимдонлик, Ватанга меҳр-муҳаббат, инсонпарварлик каби олижаноб фазилатлар соҳиби бўлиши лозимки, бу жараёнда халқимиз маънавий ва маърифий мероси, кадриятларидан унумли ва самарали фойдаланишни тақозо этади.

Бугунги кунда халқимизнинг руҳиятини баланд кўтариш учун юртига, она-Ватанга чексиз муҳаббат туйғусини қалбида мужассам этган, дили пок, маърифатга ташна баркамол ёшларни тарбиялаш зиёлиларнинг биринчи даражали вазифаси ҳисобланади. Бу ўринда биз юқорида келтирган фикр ва мулоҳазалардан ўринли фойдаланиш, айниқса миллий истиқлол ғоясининг тарихий-маънавий-фалсафий илдизлариданда кенгрок фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Юқорида таъкидлаганимиздек ислом илми ва маърифатининг асосий манбалари бўлган қуръон ва ҳадисларнинг комил инсон тарбиясидаги ўрни бекиёс. Дастлаб мазкур манбалар ҳақида.

ҚУРЪОН (араб. — ўқимоқ, қироат қилмоқ) — мусулмонларнинг асосий муқаддас китоби. Ислом эътиқодига кўра, қуръон ваҳий орқали Муҳаммад пайғамбарга 610—632 йиллар давомида нозил қилинган Аллоҳнинг каломи (Каломуллоҳ). Қуръон «Китоб» (ёзув), «Фурқон» (ҳақ билан ботилнинг орасини айирувчи), «Зикр» (эслатма), «Танзил» (нозил қилинган) каби номлар билан аталиб, «Нур» (ёруғлик), «Худо» (ҳидоят), «Муборак» (баракотли), «Мубин» (очиқ-равшан), «Бушро» (хушхабар), «Азиз» (эъзозланувчи), «Мажид» (улуғ), «Башир» (башорат берувчи), «Назир» (огоҳлантирувчи) каби сўзлар билан сифатланган. Ислом оламида Қуръон мусхаф номи билан ҳам машҳур. Уламолар Қуръоннинг 30 хил ном ва сифатларини санаб ўтганлар.

Ислом тарихига оид манбаларда келтирилишича, Қуръон нозил бўлиши мил. 610 йили бошланган. Муҳаммад пайғамбар 40 ёшда Макка шаҳри яқинидаги Ҳиро ғорида чуқур тафаккурга берилиб ўтирган бир пайтда Жаброил фаришта «Икраъ» («Ўқи») деб бошланувчи «Алақ» сурасининг аввалги 5 оятини келтирди. Бу жараён Маккада 13 йил, Мадинада 10 йил, ҳаммаси

бўлиб 23 йил давом этган. Қуръоннинг нозил қилиниши ислом ақидаси бўйича рамазон ойининг 27-кунига ўтар кечаси юз берган. Шунинг учун ҳам бу ой муқаддас ҳисобланиб, рўза тутилган куннинг 27-кечаси лай-латул-қадр, яъни қадрли, илохий қудрат намоён бўладиган, бандаларнинг бир йиллик тақдири ҳал қилинадиган (қадр — тақдир, ўлчов) табаррук кеча деб улуғланади.

Қуръон сура ва оятларининг нозил бўлиш тартиби воқеаларнинг ривожига қараб давом этган. Илк ислом даврида нозил бўлган суралар, асосан, Аллоҳнинг ягоналиги, борлиқнинг мутлақ илоҳи, дунёдаги барча нарсалар унинг борлигидан дарак берувчи далил экани, ислом таълимотида белгиланган ақидавий тушунчалар — фаришталар, пайғамбарлар, муқаддас китоблар, охират, жаннат ва дўзахнинг ҳақлиги тўғрисида эди. Пайғамбар ва мусулмонларга оғир келган Макка даврида сабр-бардошга чакирувчи, дин йўлида чекилган машаққатлар учун улуғ ажру мукофотлар борлиги ҳақидаги оятлар нозил этилган бўлса, мусулмонлар жамоаси шаклланган Мадина даврига диний маросим ва ижтимоий муносабатларни тартибга солишга бағишланган оятлар тўғри келади. Пайғамбарга диний масалалар бўйича берилган саволларга у ваҳий орқали нозил қилинган оятлар б-н жавоб берар эди¹.

Қуръоннинг бўлимлари сура дейилади, уни шартли равишда боб б-н таққослаш мумкин. Ҳар сура оятларга бўлинган. Қуръон 114 сура, 6236 оятдан иборат. Ҳар бир суранинг ўз номи бор. Оятлар эса тартиб раками б-н берилган. Сураларнинг номлари унинг бошида келган сўздан олинган ёки зикри кўпроқ келган нарсалар, воқеалар ёхуд асосий қаҳрамон номи б-н аталган. Кейинчалик ўқиш ва ёдлаш осон бўлиши учун Ироқ ҳокими Ҳажжож ибн Юсуф (хукмронлик йиллари 694—714) кўрсатмасига биноан Қуръон 30 қисм (арабча — жуз, форсча — пора)га бўлинган. Қуръонда биринчи келган «Фотиха» сурасидан кейинги суралар катта, ўртача ва кичик

¹ Марказий Осиё динлари тарихи. -Т.: 2006. 117-бет.

суралар тартибида жойлашган. 2-«Бақа-ра» сураси 286 оятдан, энг қисқа «Кавсар» сураси 3 оятдан иборат. Энг қисқа оятлар «Тоҳо» ва «Ёсин», энг узун оят «Бакара» сурасининг 282-оятидир. Суралар нозил бўлиш вақти ва жойига кўра 2 га: ҳижрадан олдин нозил бўлган суралар — «Макка суралари» (610—622 й.лар, 90 сура) ва ҳижрадан кейин нозил бўлган суралар — «Мадина суралари» (622-й.дан, 24 сура) га ажратилади.

Қуръон матнининг кўп қисми Аллоҳ билан сўзлашиш, ислом душманлари ёки ундан иккиланувчилар б-н мунозара қилиш шаклида берилган.

Муҳаммад (сав) Қуръон оятларини Жаброилдан қабул қилар, бошқа мусулмонлар у кишидан эшитиб, ёдлаб олардилар. Ёзишни биладиган одамлар, жумладан, Абу Бакр, Умар, Усмон, Али, Зайд ибн Собит, Убай ибн Каъб хурмонинг пўстлоғи, япалоқ тош, катта суяк, тери ва шунга ўхшаш нарсаларга Қуръонни ёзиб борганлар. Пайғамбар ҳаётлик чоғида яна ваҳий тушиб қолар, деган умидда Қуръон жамлаб китоб шаклига келтирилмаган. Пайғамбарнинг вафотидан кейин Қуръон кишиларнинг хотирасида ва ёзган нарсаларида қолди. Биринчи халифа Абу Бакр даврида диндан қайтишга қарши олиб борилган қаттиқ жангларда Қуръонни тўлиқ ёд олган кўплаб қорилар ҳалок бўлиб, Қуръоннинг келажак авлодга сақланмай йўқолиб кетиш хавфи туғилган пайтда Умар ибн Хаттоб Абу Бакрга Қуръонни китоб ҳолига келтириб, жамлаб қўйиш зарурлигини маслаҳат беради. Абу Бакр бу ишни амалга оширишни Пайғамбар б-н кўп вақт бирга юрган саҳоба, Қуръонни энг яхши ёд олган Зайд ибн Собитга топширди. Зайд ибн Собит, Умар ибн Хаттоб ва бошқалар Қуръони каримни пухта ёд билишларига қарамай, бу ишнинг ишончли бўлишига ҳаракат қилиб, масжидда: «Кимнинг қўлида ёзилган Қуръон бўлса ва уни Пайғамбардан тинглаганига иккита гувоҳи бўлса, бизга олиб келсин, Қуръонни жам қилишга халифанинг буйруғи бўлди», деб эълон қилишди. Улар масжидда ўтириб, гувоҳларни текшириб, ниҳоятда аниқлик б-н 1 йилдан ортиқ вақтда Қуръон саҳифаларини жамладилар.

Ҳозирги кунда Ислом оламида 4 та қадимий Мусхаф нусхаларининг борлиги маълум. Улардан бири Мадинада сақланаётган асл нусха бўлиб, ислом манбаларида у «Имом» номи билан тилга олинган. Иккинчи нусха Каъбада, учунчи нусха Қохирадаги Миср миллий кутубхонасида сақланмоқда. Тўртинчиси Тошкентда Ўзбекистон халқлари тарихи музейида сақланиб, 1989 йил бошларида Ўзбекистон мусулмонлари диний идорасига топширилган¹.

Энди Қуръоннинг ички тузилиши масаласига эътибор қиламиз. Қуръонда 114 та сура, 6226 та оят борлиги эътироф этилган. Аммо Қуръон матнларини тақсимланишига асосан оятлар сони 6204, 6232, ҳатто 6666 гача белгиланган ва уни китоб шаклига келтиришда муайян усул қўлланган.

Суралар Қуръонда ўз мазмуний изчиллигига ёки ўқилган вақтига қараб жойлаштирилган. Сураларнинг ҳажми ҳам ҳар хил: энг катта ҳажмига эга бўлган 2-«Бақара» сурасида 286 оят бор, энг кичик суралар фақат 3 оятдангина иборат.

Узун суралар китобининг бошидан, қисқа суралар унинг охиридан ўрин олиши, тадқиқотларда аниқланишича, қадимий арабларнинг ва умуман олд Осиёдаги сомий халқларнинг анъанаси билан боғлиқ бўлган. Хилма-хил ёзувлар, ривоятлар ёки адабий асарлар тўпланиб китоб қилганда, катта ҳажмдаги асарлар биринчи ўринда, кичиклари кейин жойлаштирилар экан. Зайд Ибн Собит ҳам Сухуфни тўплаб дасхат қилишда ана шу анъанага амал қилган бўлиши мумкин.

Қуръон-илк ислом ғояларини ўзида акс эттирган ягона ёзув бўлгани сабабли фақат ислом тарихи билан шуғулланган олимларгина эмас, балки ислом тарқалган халқлар адабиёти ва маданияти билан шуғулланганларнинг барчаси ҳам бу китобни таҳлил қилишга катта эътибор берганликлари табиий бир ҳолдир.

Аммо, юқорида айтиб ўтилганидек, унинг суралари мавзулари асосида

¹ Ислом. Энциклопедия. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2004. 289-бет.

ёки тарихий-хронологик тартибда жойлашмаганлиги сабабли, бу китоб ғоят мураккаб ҳисобланади. Шунинг учун XIX аср ўрталаридан бошлаб, манбаларда учрайдиган тарихий воқеалар ва шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар, ишораларга, шунингдек, ишлатилган ибораларга қараб сураларнинг ёки айрим гуруҳ оятларининг вужудга келган даврини аниқлаш, билан кўп олимлар шуғулланганлар.

Немис оимларидан Нольдеке ва Гримме, рус оимларидан И.Ю. Крачковскийларнинг бу соҳадаги хизматларини алоҳида тилга олиб ўтиш керак. Улар олиб борган текширишлар натижасида суралар хронологияси фақат умумий тарздагина аниқланган.

Қуръони Карим тузилиши ҳақидаги гапни давом эттирсак, ундаги ҳар бир сура, оятлар йиғиндисидан иборат. «Оят» сўзи фақат Қуръоннинг ўзига хос ибораси бўлиб, «мўъжиза», «ҳикмат», «илоҳий», «аломат, белги», маъноларини англатади.

Қуръони карим исломда муқаддас китоб, барча билимлар манбаи, қонунлар тўплами, мазмуни осмондан Худо ваҳй қилган деб эътиқод қилинади. Қуръондаги ҳар бир суранинг номи бор, бу ном сура бошланишида сарлавҳа қилиб берилган.

Қуръон матни сура ва оятлардан ташқари яна 30 та «жуз» (ўзбекча «пора») ларга бўлинган. Шунини айтиш керакки, пора сура ва оятларга ўхшаб Қуръоннинг илк тузилиши билан боғлиқ эмас, балки ўқишда қулайлик туғдириш учун кейинчалик Қуръон матнини ҳажм жиҳатидан тенг бўлақларга бўлишдан иборат бўлган. Шу сабабли энг узун 2-сура порадан кўпроқ бўлгани ҳолда, охириги қисқа суралардан 37 таси бир порани ташкил этади¹.

Қуръон йирик тарихий ва маданий ёдгорлик сифатида ахлоқ, инсоф, виждон, ҳалоллик каби соҳаларидаги умумбашарий аҳамиятга молик йўл-йўриқлар, қоидалари ҳозирда ҳам ғоят зарур эканлигини алоҳида таъкидлаш

¹ Обидов Р. Қуръон ва тафсир илмлари. -Т: Тошкент ислом университети. 2003. 468 бет.

лозим².

Юқорида айтиб ўтилганидек, Қуръон мазмунида ҳаётнинг кўп соҳаларига таалмуқли масалалар ўз ифодасини топган.

Қуръоннинг услуби ҳам кейинги адабиётга катта таъсир ўтказган, ундаги ривоят ва тасвирлар, ўхшатиш, насихат ва маслаҳатлар фақат динийгина эмас, балки бутун бадий адабиётга сингиб кетган. Шунинг учун Қуръонни яхши билмасдан араб халқлари ва умуман мусулмон халқлари маданияти ва адабиётини чуқур ўрганиш, тушуниш анча мушкул.

ҲАДИС (араб. — хабар, янгилик) — Муҳаммад (сав) айтган сўзлари, қилган ишлари, иқрорлари тўғрисидаги ривоят. Ислом динида Қуръондан кейин 2-манба ҳисобланади. Ҳадис 2 қисмдан иборат бўлади: матн ва иснод. Ҳадис2 турга — ҳадиси кудсий (маъноси Аллоҳ таолоники, айтилиши Расулуллоҳ томонидан бўлган Ҳадислар) ва Ҳадиси набавийга бўлинади. Ҳадислар эътиборга олиниши жиҳатидан 3 қисмга бўлинади: 1) саҳиҳ (ишончли); 2) ҳасан (яхши); 3) заиф.

Қуръонда барча ҳуқуқий ва ахлоқий масалалар умумий тарзда баён этилган. Уларга аниқлик киритиш ва изоҳлаш учун Муҳаммад (сав) ўз ҳадисларини айтарди. Бу ҳадисларни пайғамбарларнинг сафдошлари ёдда сақлашга ҳаракат қиларди. Пайғамбар вафотидан сўнг ҳадисларни нақд қилиш одат тусига кирди. Шу муносабат б-н бир гуруҳ мусулмонлар уни ёзма шаклда тўплай бошладилар. Биринчи ҳадис китобини Ибн Шихоб аз-Зухрий ёзди. Ундан кейин бирин-кетин ҳадис тўпламлари тасниф этила бошлади. Лекин бу тўпламлар муайян тартибга солинмаган, бобларга ажратилмаган бўлиб, уларда пайғамбар ҳадисари б-н саҳобалар ва тобеъинларнинг фатволари чалкаштириб юборилган эди.

Ҳижрий 3-асрда таълиф этиш соҳасида «муснад», «саҳиҳ», «сунан» деб аталмиш турли йўналишлар вужудга келди. «Муснад» йўналишида тасниф

² Қуръони карим маъноларининг таржимаси. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. Т.: Тошкент ислом университети. 2001. 3-бет.

этилган тўпламларда турли мавзудаги ҳадислар бир жойда келтирилиб, улар ҳадис ривоят қилувчи саҳобаларнинг ислом динини қабул қилган вақтига кўра ёки алифбо тартибида жойлаштирилган. Абу Ҳанифа, Аҳмад ибн Ҳанбалнинг ҳадис китоблари шу йўналишга мансуб. «Саҳиҳ» йўналишига тўғри, ишонарли ҳадисар киритилган. Бу йўналишга Имом Бухорий асос солган. «Сунан» йўналишидаги тўпламга эса, тўғри, ишонарли ҳадислар билан бир қаторда «заиф» ҳадислар ҳам киритилган. Абу Довуд, Абу Исо ат-Термизий, Насоий, Ибн Можа тўпламлари шу йўналишга мансубдир.

Давр ўтиши б-н ҳадислар танланиб, муҳим деб ҳисобланганлари бир тизимга солина бошлади. 9—10-аср бошларида диндорлар орасида энг ишончли деб танилган ҳадиснинг 6 та тўплами вужудга келган. Булар: «Саҳиҳи Бухорий», «Саҳиҳи Муслим» «Саҳиҳи Термизий», «Сунани Аби Довуд», «Сунани Ибн Можа», «Сунани Насоий». «Саҳиҳи Бухорий» кўпроқ эъзозланади. Бу 6 та ҳадис тўпламини тузган муҳаддислардан 2 таси мовароуннаҳрлик, 4 таси эса хуросонлик бўлган. Ҳадислар тўплами сунна деб ном олган. Ҳадисларни йиғувчи, шарҳловчи, тарғиб этувчи шахслар муҳаддис деб аталган¹.

Исломни қабул қилган халқлар маданий ва ғоявий меросининг кўп унсурлари исломга ҳадис шаклида ўтган. Ҳадис йиғиш ўрта аср мусулмон маданиятининг муҳим хусусияти бўлиб, билим излашнинг асосий мазмуни ҳисобланган. Ҳадис ҳарқандай илмий асарни асослашнинг муҳим қисми бўлган; ундан ҳикматли сўз ва матал сифатида ҳам фойдаланилган. Имом Бухорийнинг «Саҳиҳи Бухорий» асари ислом олами олий ўқув юртларининг шариат факультетларида асосий ўқув қўлланмаси сифатида хизмат қилиб келмоқда. Имом Бухорийнинг «Саҳиҳи Бухорий» ҳадислар тўплами 4 жилдда (1-ж. — 1991, 2-ж. - 1996, 3-ж. - 1994, 4-ж. -1992), 2-нашри эса 1997 йилда Тошкентда нашр этилди. Абу Исо Муҳаммад Термизийнинг «Саҳиҳи Термизий» ҳадислар тўплами 1-жилдининг ўзбекча таржимаси 1999 йил

¹ Ермаков Д. Хадисы и хадисная литература // Ислам (историографические очерки) / Под общей редакцией С.М.Прозорова. – М.: Наука. 1991 – С. 85-108.

Тошкентда чоп этилди. Булардан ташкари «Минг бир ҳадис» таржимаси, «Қудсий ҳадислар» таржимаси ҳам нашр этилди.

Ислом маънавиятининг мазмуни Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда, уларга асосланган ислом фалсафаси, тасаввуф, одоб-ахлоқ масалаларига бағишланган дунёвий ва диний олимларнинг асарларида ўз ифодасини топган. Бу билимларни тарғиб қилиш ислом маърифати доирасига киради².

Ислом маънавиятида инсон камолотига алоҳида урғу берилган. Яъни инсоннинг шаклланиши учун диний билимлар билан бир вақтда дунёвий билимларни пухта эгаллаб ҳақ йўлдан тоймаслик, ҳаётда эзгу излар қолдириб, иймон-эътиқод ва ҳидоят йўлида улуг мақсадлар билан яшашга даъват этилган. Шахснинг одоб-ахлоқининг шаклланишида, шахс ва жамият муносабатларида диний таълимот, хусусан унинг қадриятларини ўрни катталиги уқтирилган.

Ислом таълимотида, хусусан аркони ад-дин талабларига тўлиқ риоя қилувчи одам учун бу таълимот биринчи ўринда туради. Бундай Одамнинг тасаввурида ер ва осмонни, борлиқни барча тирик мавжудодни, шу жумладан инсоннинг ўзини ҳам Аллоҳ яратган деб тушунилади. Масалан, Бақара сурасида бундай дейилади. «У» Еру осмонларнинг Яратувчисидир. Бирор ишни қиладиган бўлса, (фақатгина унга) «Бўл» деса, бас у бўлади». (2:117).

Исломнинг суннийлик ва шиалик йўналишларидаги барча мазҳаблар инсон шахси ҳақида деярлик бир хил фикрни баён қилганлар. Фақат ислом фалсафасида, тасаввуфда бу масала янада мураккаб мазмун ва шакл касб этган.

Исломда Аллоҳ ваҳйларига ва Мухаммад пайғамбар панд-насихатлари (Ҳадису шариф) га бутун вужуди билан қаттиқ ишониш, бу ишончга ҳар қандай вазиятда ҳам содиқ қолиш орқали одам инсонга айланиши мумкин,

². Уватов У. Буюк муҳаддислар: Имом ал-Бухорий, Имом Муслим, Имом ат-Термизий. Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 1998. 5-бет.

деган ғоя илгари сурилади. Кундалик (одатий) онгда оддий одамлар ислом тушунчаси билан имон тушунчасини айнан бир маънода ҳам талқин этиб, шу нуқтаи назардан муносабат белгилайдилар. Бироқ ислом илохиятчи (файласуф) лари узоқ вақт бахс-мунозаралардан сўнг, дин билан имон тушунчалари ўртасида фарқ борлигини исботлаганлар. Уларнинг фикрича, имон уч унсурдан ташкил топади: а) Аллоҳнинг ягоналигига ишонч, эътиқод, б) сўзда истиғфор (икрор) қилмоқ, в) эзгу ишлар билан имонли инсон эканини исботламоқ (амал). Демак, имон, ишонч, (эътиқод), икрор ва амалдан иборатдир. Ана шундай одам мусулмон, яъни комил инсондир. Дин эса имон, эҳсон, исломдан ташкил топади, деб ҳисоблаган илоҳиётчилар.

Ислом нуқтаи назаридан, фақат имон-эътиқодли одамлардагина чинакам маънавий фазилатлар, жумладан инсоф-диёнат, меҳр – шафқат, ҳалол-поклик, вафо ва садоқат каби фазилатлар мужассамлашган бўлади; бошқа одамларда бундай сифатлар бировлар унинг ҳақида ёмон фикрга келмасликлари нуқтаи назаридан хўжа кўрсинга, шунчаки бир, ўткинчи, омонат, вақтинчалик бир ҳолат сифатида кўринади. Чунки имонсиз киши икки юзламачи, мунофиқ, ўз қадрини билмайдиган, ўз аҳдида турмайдиган одам бўлади. Ўзбекистон уламоларидан бири Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф имон фақат ишонч ва икрордан иборат эмас, балки амалда, инсон ҳар бир ҳаракатида намоён бўлиши билан қадрли эканига эътиборни жалб қилади: “Ахир эътиқод кечаю кундуз ибодат қилиб ётишда эмас. Агар кўнгил пок бўлмаса, қилинаётган ибодатдан нима фойда. Бундай кишилар исломда мунофиқ бандалар дейилади”.

Куръони Каримда имонли одамларнинг белгилари қуйидагича тавсифланади: улар мўмин, ройиш, юввош, итоаткор, қуруқ сўзликдан қолғувчи, поклик, ҳалолликка интилувчи, ўз ваъдалари, шартномаларига риоя этувчи, ибодатига амал қилувчи ва шунинг учун ҳам жаннат ворислари ҳисобланади.

Ислом илоҳиётининг йўналишларидан бири бўлган тасаввуф (сўфийлик) да чинакам инсоний фазилатлар тўрт босқичда шаклланади: шариат, тариқат,

маърифат ва ҳақиқат. Охирги босқичда Суфий Аллох висолига етган хисобланади ва унинг иродасига тўласича бўйсуниб, ҳақиқат тимсоли бўлади: Халол–поклик, меҳр-шафқатлилик, адолатлилик, инсонпарварлик, вафо ва садоқатда бошқаларга намуна бўлиб, жамиятни маънавий-ахлоқий жихатдан соғломлаштиришнинг етакчилари бўладилар. Бундай одамлар барча маънавий фазилатлар мужассами сифатида комил инсонга айланадилар.

Халқимиз тарихидан маълумки, илм-фан, адабиёт, санъат ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларининг ҳал қилишда дунёвийлик ва динийликка нисбатан кўп ҳолда тўғри ёндошилганлиги учун ижтимоийлик ва илмий соҳада шундай жаҳонга машҳур кашфиётлар қилиндики, улар халқимизнинг маънавий-маъданий меросининг олтин хазинасидан муносиб ўрин олди. Бу кашфиётларнинг эгалари ўз замонасининг, ҳаттоки ҳозирги даврининг ҳам юксак шаклланган шахси эканлигидан далолат беради.

Шахснинг жамиятга ва аксинча жамиятнинг шахсга муносабати масаласи ҳам муҳимдир. Жамият, одамлар уюшмасининг махсус шакли, тараққиётнинг маълум босқичида шаклланадиган ижтимоий муносабатлар мажмуидир. Жамиятнинг шаклланиши ва қарор топиши узоқ тарихий даврни бошдан кечирган бўлиб, мураккаб жараённинг ижтимоий ҳодисасидир.

Халқимиз ўзининг бир неча асрлар давомидаги ижтимоий-иқтисодий, илмий-маданий, ғоявий-ахлоқий ривожланиш жараёнида уйғониш даврининг икки босқичини босиб ўтган. Имом Термизий, Имом Бухорий, Маҳмуд Замахшарий, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд каби уламо, буюк муҳаддисларни, Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Амир Темур, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби буюк фан ва давлат арбобларини етказиб берган. Бу уламо-олимлар ва мутафаккирлар ислом маърифатига улкан ҳисса қўшиб доимий ўзгариш ва ривожланишда бўлган жамиятнинг мазмун-моҳияти, жамият ва шахс муносабатларининг фан билан дин алоқалари ҳақида фикр юритиш билан бир вақтда давлат ва жамиятни

бошқариш масалаларига ҳам алоҳида эътибор бердилар¹.

Ушбу масалаларни ташкил қилишда мутафаккирлар фанларни туркумлашда диний ва дунёвий фанларга ажратмаганлари ҳолда уларни бир-бирига қарама-қарши қўймаганлар. Аммо булар иккала ёндошувда ўз олдига қўйган мақсадлари, ўрганиш объектларида бир-биридан фарқ қиладиган тамойилларини ҳам кўрсатиб ўтганлар.

Марказий Осиёда етишиб чиққан улуғ мутафаккирлар жамиятни пайдо бўлиши, моҳияти ва истикболлари тўғрисида, шахс ва жамият муносабатлари, давлатни бошқариш хусусида илғор илмий қарашларни илгари сурдилар. Бунда араб файласуфи Ибн Рушд олға сурган ҳақиқатга эришишнинг икки хил йўлини, яъни бири диний, иккинчиси илмий йўл деб билдилар. Диний йўл билан Худо ва унинг қудратини билиш йўлидан иборат бўлса, илмий йўл эса табиат ва объектив оламни билиш орқали амалга ошади.

Улуғ мутафаккирларнинг жамиятни пайдо бўлиши, мазмун-моҳияти, шахс ва жамият муносабатлари тўғрисидаги илмий ва фалсафий қарашлари катта аҳамиятга эга бўлди.

Бу улуғ зотлар ислом маънавияти ва маърифатининг шахс ва жамият муносабатларининг шаклланиши ва ривожланишига қўшган ҳиссасини доимо назарда тутганлар. Зеро, ислом маънавиятининг шахс камолотидаги ўрни ва роли муҳимлиги эътироф этилган¹.

Жамиятнинг мазмун ва моҳияти, шахс ва жамият муносабатлари ҳар бир тарихий даврда яратилган диний, исломий фалсафий таълимотлар асосида талқин қилиниб келган бўлса, жамиятнинг ҳозирги ривожланиш босқичида улар ўрнига илғорроқ таълимотларини яратиш вазифасини қўяди.

Демократик ҳуқуқий фуқаролик жамиятни шакллантириш ва тараққиётни амалга ошириш жараёни кетаётган ҳозирги шароитга одамлар

¹ Каримов И. Маънавият, фалсафа ва ҳаёт. Т.: Фан. 2001. 78-бет.

¹ Ислом тарихи. Дарслик // А.Ҳасанов ва бошқ. – Т.: ТИУ. 2008 й.

ўртасидаги амал қиладиган ахлоқий, сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий, диний ва мафкуравий муносабатларни яхшилаш ва мустаҳкамлаш учун халқимиз маънавиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратади. Шахс ва жамият муносабатларининг ахлоқий, ҳуқуқий жиҳатларини мустаҳкамлаш инсон шахсини шакллантиришга, фуқаролик жамиятининг асосларини яратишга боғлиқдир.

II-БОБ. ИСЛОМ МАЪРИФАТИ ВА МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯ

2.1. ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ

ЖАРАЁНЛАРИ

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши жамият ҳаётининг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларини янгича мазмун билан бойитди. Бу ютуқларга Республикамиз Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов томонидан ишлаб чиқилган демократик жамият қуриш Концепцияси назарий асос бўлиб хизмат қилди. Бу концепцияда миллатимизнинг маънавий-руҳий ҳаётининг ажралмас қисми бўлмиш ўзига хос урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар ва менталитет қатъий ҳисобга олинган. Ҳозирги кунда фуқаролар онгига мустақиллик, ватанпарварлик, садоқат каби тушунчаларни сингдириш, келажакда буюк давлатнинг муносиб фарзандларини камол топтириш, айти пайтда уларнинг онгида мафкуравий бўшлиқ бўлишига йўл қўймаслик маънавий-руҳий ҳаётимизнинг энг муҳим талабидир. Бугунги демократик жамиятимиз тараққиётида маънавий-руҳий муҳит ва унинг

асосларини ташкил қилувчи маънавий омиллар муҳим ўрин тутди. Чунки «бугунги кунда ҳалқимизга азалдан хос бўлган ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик, меҳр-оқибат, меҳмондўстлик ва саховат каби инсоний фазилатлар янада ёрқин намоён бўлмоқда ва бундай маънавий муҳит одамларнинг руҳи ва кайфиятига ижобий таъсир қилмоқда»¹.

Маънавий-руҳий ҳаётнинг тараққиёти учун Президентимиз 1992 йилдаёқ, “Олдин одамларга моддий бойлик бериш, сўнгра маънавият тўғрисида ўйлаш керак, деганлар ҳақ бўлмасалар керак. Маънавият инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч қудратидир”², - деб таъкидлаган эдилар.

Ана шу кўрсатмага мувофиқ маънавий-руҳий муҳитни яхшилаш ва уни мустақиллик даври руҳияти билан уйғунлаштириш, мамлакатда амалга оширилаётган барча ишларда унга таяниш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Хусусан Президентимизнинг 1994 йил 23 апрелда Республикамизда “Маънавият ва маърифат жамоатчилик марказини тузиш тўғрисида”, 1996 йил 9 сентябрда эса “Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида”, 1999 йил 3 сентябрдаги “Республика маънавият ва маърифат кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2006 йил 25 августдаги “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида” Қарори ва 1998 йил 24 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маънавий ва маърифий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, махсус қарори қабул қилинди.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясидаги маърузасида Ўзбекистоннинг XXI аср арафаси ва унинг дастлабки йилларида мамлакатимизнинг ривожланиши устувор йўналишларини белгилаб берар экан, “Иккинчи устувор йўналиш жамият маънавиятини янада юксалтиришдан иборат”лигини таъкидлаб

¹ Каримов И. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. - Т.: Ўзбекистон. 2007. 28 бет.

² Каримов И. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. - Т.: Ўзбекистон. 1992. 34 бет.

ўтдилар. Шу ўринда бу устувор йўналишни юртимизда амалга оширилаётган барча ислохотларнинг моҳиятида ҳам кўришимиз мумкин. Унда, айниқса, халқимизнинг маънавий-руҳий тикланиши борасида олиб борилаётган ишлар диққатга сазавордир.

Мустақиллик шарофати билан маънавий ҳаётимизда уйғониш юз берди. Мустақилликка эришилган 1991 йилда А. Навоий таваллудининг 550 йиллиги кенг нишонланди. Бу туйга республикада катта тайёргарлик кўрилди ва у халқнинг юксак маданият байрамига айланди. Аввало, буюк шоирнинг 20 жилдлик мукаммал асарлар тўплами нашр этила бошланди. Бундан ташқари "Лисон ут-тайр", "Сабаъи сайёр", "Фарход ва Ширин", "Лайли ва Мажнун", "Ҳайрат-ул аброр", сингари шоҳ асарлари алоҳида-алоҳида ҳолда бир неча минг нусхада босмадан чиқарилди.

1994 йилнинг ҳукумат қарори билан Улуғбек йили деб эълон қилиниши, унинг 600 йиллигининг Ўзбекистонда ва жаҳон миқёсида кенг нишонланиши ҳам буюк аллома қолдирган илмий мероснинг умуминсоний қадриятга айланганлиги нишонасидир.

Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Фаробий, 1200 йиллиги кенг нишонланган Ахмад Фарғоний ва бошқа кўплаб аждодларимиз миллий маънавий-руҳий қиёфанинг шаклланишида ўзининг улкан ҳиссасини қўшган алломалар сифатида халқимизнинг миллий ифтихори бўлиб қолди. 2500 йиллик юбилейлари ўтказилган Бухоро ва Хива шаҳарлари, ҳамда кўҳна Самарқанднинг 2750 йиллик саналарининг байрам қилиниши ва бу шаҳарларнинг бутун инсоният учун муқаддас зиёратгоҳларга айланиши айниқса аҳамиятлидир¹.

Мустақиллик йилларида миллий ғоянинг шаклланиши ва ривожланиши учун мустаҳкам замин яратилди. Бу ишларда албатта Президентимизнинг хизматларини эътироф этмасликнинг иложи йўқ. Ҳаётий кузатишлар баъзан зиёлиларимиз ўртасида ҳам бизга миллий ғоя, миллий мафкура нима учун, ким учун керак, унинг маъно-моҳияти нимадан иборат,

¹ Жўраев Н. Ўзбекистон тарихи. Т.: Ўзбекистон. 1999. 256 - бет.

деган муҳим масалага яна бир бор ойдинлик киритиш заруратини юзага келтирмоқда. Бунда, яъни миллий ғояда Ўзбекистон халқининг мамлакатимиз ривожига белгилаб олган асосий мақсад ва муддаоларининг ифодаси мужассамлашган.

Биринчидан, ўзининг келажагини кўрмоқчи ва қурмоқчи бўлган ҳар қандай давлат ёхуд жамият, албатта, ўз миллий ғоясига суяниши ва таяниши зарурлиги билан боғлиқ. Президент Ислом Каримов таъбири билан айтганда, "давлат тизими, уни бошқариш ва олиб борилаётган сиёсат, аввало, аниқ ва равшан ифодаланган мафкура асосига қурилмоғи лозим. Яъни, олдин давлат қурилиши ва ундан кейин мафкура пайдо бўлиши ўзи ғайритабиий ҳол. Бунинг яхши англаб олишимиз лозим. Яъни, олдин ғоя пайдо бўлади, ундан кейин ғоя асосида мафкура, мафкура асосида эса тизим, сиёсат пайдо бўлади". Демак, ўз миллий ғоясига таянмаган жамият инқирозга дучор бўлиши, ўз йўлини йўқотиб қўйиши муқаррар.

Иккинчидан, миллий ғоя Ўзбекистон халқининг асосий мақсад ва муддаоларининг ифодаси сифатида шунинг учун ҳам зарурки, одамлар онгини, тафаккурини ўзгартирмасдан туриб, кўзланган олий мақсад - озод ва обод жамиятни, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этиб бўлмайди. Бунинг учун эса, одамлар муайян ғояга ишониши ва таяниши зарур. Бу жараён ўз-ўзидан ҳаракатга келмайди, албатта. Негаки, кенг халқ оммасини бирон бир ғоянинг илғор ва инсон-парвар эканига ишонтирмоқ учун, аввало, мазкур ғоянинг тўғри, ҳаётий ва илғор эканлигига ишонтириш зарур. Ишонтирмоқ учун унинг илмий ва ҳаётийлигига алоҳида эътибор қаратиш билан бирга миллий ғоянинг ўзи мамлакатимиз халқининг асосий мақсад ва муддаolari ҳамда манфаатларини ифодалаши керак.

Учинчидан, миллий ғоянинг зарурлиги миллатнинг ўзлигини тўла англаш жараёни билан боғлиқ. Негаки, миллат ўзлигини тўла англамас экан, бирон-бир буюк ўзгаришлар қилиб бўлмайди. Миллий ўз-ўзини англаш у ёки бу миллатни ўзга миллатлардан ажралиб кетишига эмас, балки ўзлигини англаган миллатларнинг маърифатлашган ҳамкорликларининг

мустаҳкамланиб бориши-га хизмат қилади. Ана шундай ўта мураккаб вазиятда миллий ўзликни англашда миллий ғояга асосий таянч куч, илмий-назарий ва амалий дастур сифатида ҳар бир инсоннинг руҳи, кайфияти, ҳиссий кечинмаларига кириб бориш орқали унинг қалби ҳамда онгига таъсир кўрсатади. Бу миллий ғоянинг халқ ҳаётига яқин, унга бевосита дахлдор эканлигини таъкидлаш лозимдир.

Демак, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда миллий ғояда бугунги ҳаётнинг энг долзарб муаммолари, унинг стратегик мақсадлари билан диалектик боғланиши унинг яшаш шартидир.

Тўртинчидан, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда миллий ғоянинг зарурлиги яна бир муҳим ҳолат билан, яъни бугун бизнинг тарихий ўзгаришлар даврида тоталитар тузумдан эркин демократик бозор муносабатларига асосланган демократик тузумга ўтиш шароитида яшаётганлигимиздан келиб чиқмоқда¹.

"Бу ўтиш даври ўзига хос, жуда катта ғов ва тўсиқларга дуч келиши, каттиқ курашлар орқали кечиши барчамиз учун аён бўлмоғи даркор. Халқимиз ва жамиятимизни мана шу даврида янги уфқлар сари бошлаш, даъват қилишда мақсадларимиз аниқ бўлиши керак. Бундай мақсадларга эса, аввало, чуқур ўйланган ва пухта ишланган мафкура асосида етишиш мумкин". Демак, миллий ғоя мустақилликни мустаҳкамлаш ғоясининг ўзаги бўлган - танлаган тараққиёт йўлимизнинг тўғри, адолатли ва ҳаққоний эканлигига, у мана шу заминда истиқомат қиладиган ҳар бир инсоннинг ҳаётий манфаатларига мос тушишига кенг оммани ишонтириш орқали уларни бунёдкорлик ишларига сафарбар этиш учун хизмат қилади¹.

Мустақилликни асраб-авайлаш, ҳимоя қилишда миллий ғоянинг ўрнини бошқа бирон бир омил босолмайди. Шу нуқтаи назардан давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, мақсад ва вазифаларини маънавий жиҳатдан таъминлаш, бугунги кунда мамлакатимиз тақдири учун ўта долзарб

¹ Азизхўжаев А. Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар. Т.: Шарк. 2001 й.

¹ Эркаев А. Ўзбекистон йўли. -Т.: Маънавият. 2011. 188-бет.

масаладир. Бунинг ёрқин ифодаси Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси (2004 йил 29 апрель)даги "Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ" лиги ҳақидаги нутқида ҳамда Олий Мажлисининг мамлакатимиз фуқароларига мурожаатномасида баён этди. Хусусан, унда шундай дейилган: "Бугун башарият ўзига хос ва зиддиятли бир даврда яшамокда. Бир томондан илм-фан ва техника, юксак технологиялар тараққий этиб, инсонпарварлик ғоялари, демократик қадриятлар, ўзаро ҳамкорлик дунё бўйлаб қарор топиб бормокда. Айни вақтда, ер юзининг турли минтақаларида қуроли мижазолар рўй бераётган, халқаро терроризмнинг янги-янги хуружлари оқибатида минг-минглаб одамларнинг ҳаётдан кўз юмаётгани ҳам шу замоннинг очиқ ҳақиқатидир"¹.

Маълумки, муваққиллик туфайли бошқа халқлар қатори биз ҳам ўз миллий табиатимиз ва минг йиллик анъаналаримизга, урф-одатларимизга зид бўлган сохта коммунистик ғоядан воз кечдик. Лекин инсоният тарихи шу нарсани қатъий равишда исботлаганки, мафкура дунёсида бўшлиққа йўл қўйиб бўлмас экан. Қаерда шундай ҳолат юз берган тақдирда бўш қолган мафкура майдонини бизга бегона, орзу-интилишларимизга мутлақо ёт ғоялар эгаллашга уриниши ҳам тарихан исботланганлиги шубҳасиз. Агарда ён-атрофимиздаги воқеликка теранроқ назар ташлайдиган бўлсак, табиий захираларга бой, геополитик нуқтаи назардан ғоят қулай ҳудудда жойлашган юртимизга кўз олайтирадиган, бизга таъсирини ўтказишни истайдиган турли носоғлом кучлар мавжудлигини инкор этилмаймиз. "Улар, - деб таъкидлайди Президент Ислам Каримов, - ўз ниятларини амалга ошириш учун ҳеч нарсадан тап тортмаслиги бугунги кунда аён бўлиб қолди. Бу кучлар катта маблағ ва замонавий қурол-аслаҳаларга эга. Лекин уларнинг энг ёвуз қуроли-миллий қадриятларимизга тўғри келмайдиган, энг ёмони, эртага ўрнимизни эгаллаши лозим бўлган ёш авлоднинг қалби ва тафаккурини захарлайдиган

¹ Халқ сўзи. 2004 йил. 30 апрель.

бузгунчи мафкурадир. Ҳозирги пайтда рўй бераётган айрим салбий ҳолатлар, ножўя хатти-ҳаракатлар, ёвуз ишлар, аввало, мафкуравий бўшлиқ туфайли содир бўлмоқда"¹.

Шу ўринда нега айнан ғанимларимиз ҳали ҳаётий тажрибага эга бўлмаган, оқ-қорани таниб улгурмаган ёшларга қаратмоқда, деган савол туғилади. Чунки айнан ёшлар мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда асосий таянч куч. Айни пайтда, ёшларимизнинг кўнгли очик, содда, ишонувчан.

Миллий истиқлол мафкурасининг мустақилликни мустаҳкамлашда намоён бўлиш жараёни ўзининг бир қатор хусусиятларига ҳам эга. Улар қуйидагилардан иборат.

- Бугунги кунда одамзод маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларигагина хизмат қиладиган, олис-яқин манбалардан тарқаладиган, турли маъно-мазмундаги мафкуравий кучларнинг таъсирини доимий равишда сезиб яшаши. Ахборот асри, электроника асри деб аталаётган ХХІ асрнинг бугунги кунида бу таъсирлардан холи бўлиш деярли имконсиздир. Демак, бугунги кунда "мафкура полигонлари ядро полигонлари"га нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга. Бу унинг хусусиятларидан биридир.

- Агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин. Аммо ғоявий тазйиқ, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийин.

- Миллий ғоя - миллат тафаккури ва онгининг маҳсули. Лекин, айни вақтда, сиёсий онг даражаси ҳар бир миллатнинг ривожини белгилайдиган омил ҳамдир. Демак, онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб ҳеч бир жамият ўзининг олий мақсадига эриша олмайди. Биз ҳам кишилар онги ва тафаккурини ўзгартирмасдан туриб озод ва обод жамиятни барпо этолмаймиз.

Миллий истиқлол мафкурасиси мустақилликни мустаҳкамлашда

¹ Каримов И. Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда.-Т.: 1999. 23-бет.

намоён бўлиши учун у ўзида нималарни мужассамлаштириши ва қандай талабларга жавоб бериши лозим.

Миллий мафкура - авваламбор, ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англашга ёрдам бериши, халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини, жамиятимиз олдида қўйган олий мақсад ва вазифаларни қамраб олиши шарт.

- Жамиятимизда бугун мавжуд бўлган хилма-хил фикрлар ва ғоялар, эркин қарашлардан, ҳар қандай тоифалар ва гуруҳларнинг интилишлари ва умидларидан, ҳар қандай инсоннинг эътиқоди ва дунёқарашидан қатъий назар, уларнинг барчасини муштарак миллий байроқ атрофида бирлаштирадиган, халқимиз ва давлатимизнинг дахлсизлигини асрайдиган, элюртимизни энг буюк мақсадлар сари чорлайдиган миллий истиклол ғояси - мафкура бўлиши керак.

- Миллий мафкура ҳар қандай тажаввузкор миллатчилик ва шунга ўхшаган унсурлардан, бошқа элат ва халқларни менсимаслик, уларни камситиш кайфияти ва қарашларидан мутлақо холи бўлиб, кўшни давлат ва халқлар, умуман, жаҳон ҳамжамиятида, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ҳурмат ва иззат қозонишда пойдевор бўла олиши лозим.

- Миллий ғоя ёш авлодимизни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига миллий-маънавий қадриятимизга мос инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек олижаноб ишларимизда мададкор бўла олади.

Миллий ғоя Ватанимизнинг шонли ўтмиши ва буюк келажагини узвий боғлаб туришга, ўзимизни улуғ аجدодларимиз боқий меросининг муносиб ворислари деб ҳис қилиш, шу билан бирга, жаҳон ва замоннинг умумбашарий ютуқларига эришмоққа йўл очиб берадиган ва шу мақсадларга муттасил даъват қиладиган ғоядир.

Демак, миллий ғоя, миллий ифтихор кундалик машаққатли ишларимизда ва бунёдкорлик фаолиятимизда кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшиб, ҳақиқатан ҳам келажаги буюк давлат қураётганимизга

мустаҳкам ишонч бағишлайди.

Дарҳақиқат, мустақил Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафкураси олдида буюк мақсад-муддаолар, ўта долзарб вазифалар турибди. Унинг асосий мақсадларидан бири - Ўзбекистон ҳудудида яшовчи ҳар бир фуқарони, ҳар бир миллат ва элат кишиларини баркамол инсон қилиб тарбиялаш, мустақилликнинг онгли фидойисига айлантиришдир¹. Негаки, жамият тараққиёти, мустақиллик билан боғлиқ бўлган улкан вазифаларни бажаришга оммани сафарбар этишни миллий ғоясиз тасаввур этиш мумкин эмас. Инсоннинг фаоллиги унинг илғор, бунёдкор, ўзимизга хос ва мос миллий ғояга қатъий амал ва эътиқод қилишига боғлиқ. Демак, истиқлол мафкураси бутун Ўзбекистон халқининг миллий руҳини, маданий меросини, хис-туйғусини, миллий ғурур ва ифтихорини, куч-қудратини, орзу-интилишларини ўзида мужассамлаштиради. Ана шундай қудратли омил бўлган мафкуранинг шаклланишида тарихий билимлар, тарихий хотираларнинг аҳамияти беқиёсдир. Шу ўринда Н.Остроумов афсус билан айтган хулосаларини келтириш мақсадга мувофиқ: "Беихтиёр ўйлаб қоласан киши, деб ёзади у ўз кундаликларида,-қолоқ ва ожиз, қуролланмаган бегона халқларни босиб олишимиз мумкин экану, бироқ бошқа камчиликларимизни ҳисобга олмаганда, ўзимизга ортиқча баҳо беришимиз, бепарво танбаллигимиз ҳамда давлат идора усулидаги қолоқлигимиз туфайли уларни бошқаришни билмас эканмиз. Биз чет мамлакатларга нисбатан маданиятимиз пастлигича қолмоқдамиз... Биз маҳаллий аҳолининг на тилини, на урф-одатларини, на динини ўргандик".

Миллий истиқлол мафкураси бир миллат - ўзбекларнинг манфаати билангина боғланган эмаслигини алоҳида таъкидлаш зарур. Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ўзбеклар, қozoқлар, қирғизлар, тожиклар, туркманлар, руслар, украинлар, яҳудийлар, хуллас, Республикамизни ўзининг жонажон Ватани деб билган, у билан фахрланадиган барча миллат ва элатларнинг тенг

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.-Т.: Янги аср авлоди. 2002. 47-бет.

хуқуқлигини, миллий ғурурини манфаатларини ҳимоя қилиш мафкурамиз моҳиятида асосий ўринни эгаллайди. Шунингдек, миллий истиқлол мафкураси заминида жаҳондаги барча илғор давлатлар, халқлар томонидан эътироф этилган умуминсоний қадриятларни, ижобий тажрибаларни ҳам ҳисобга олади ва таянади¹.

Мустақил Ўзбекистон учун миллий истиқлол мафкурасининг тарихий зарурлиги ва унинг демократик жамият қуришдаги ўрни Президентимиз Ислам Каримов томонидан мутлақо янги ғояларнинг ишлаб чиқилиши билан бир каторда, бир канча давлатларнинг тажрибалари ўрганилмоқда. Фикримизнинг исботи сифатида биргина Ўзбекистон Конституцияси лойиҳасини тайёрлашда 30 га яқин хорижий давлатлардаги қонунчилик тажрибалари ўрганилганлигини келтириш ўринлидир. Натижада, коммунистик мафкурадан, синфийликдан, партиявийликдан холи бўлган асосий қонун яратилди.

Мустақиллик туфайли биринчи маротаба Конституциямизда мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги қарор топиши учун шарт-шароит яратилди. Масалан, Конституциянинг 12-моддасида: "Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас", - деб ёзиб қўйилган. Бу қоида Республикада ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва истиқлол мафкурасини ишлаб чиқишда ҳамда мустақилликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Маданий меросни ўрганиш бўйича дастлабки қадамлар қўйишнинг истиқлолимиз туфайли имконияти яратилди. "Моддий ислоҳатлар, иқтисодий ислоҳатлар ўз йўлига. Уларни ҳал этиш мумкин. Халқни таъминотини ҳам амаллаб туриш мумкин. Аммо маънавий ислоҳатлар ва мутелик исканжасидан озод бўлиш, қадни баланд тутиш, ота – боболаримизни умидларини тиклаб, уларга муносиб ворис бўлиш – бундан

¹ Мустақиллик: изохли илмий-оммабоп луғат. -Т.: Шарк. 1998. 32-бет.

оғирроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ бу дунёда!”¹, деган эди Президентимиз.

Маънавий мерос миллат шаклида халқ маданий бойлигининг илдизларига эътибор беришни талаб қилади. Бозор муносабатларининг демократик услуби шуни айнан таъкидлайди. Халқнинг, миллатнинг бу мероси минг йилликлар давомида мисқоллаб тўпланган дурдонадир. Бу мерос барча даврлардаги курашларга бардош бериб, давр синовларидан ўтиб, кишиларга мададкор бўлиб, ҳозирги кунларимизга етиб келган. Истиқлол шароитида асосий вазифаларимиздан бири ҳам бизгача етиб келган маданий ва маънавий меросни сақлаб қолиш ва уни янада бойитиш ва такомиллаштиришдан иборатдир. Бу вазифаларни бажариш учун виждон, эътиқод, бурч, масъулият эркинлиги бўлиши керак. Бундай эркинликлар эса Ўзбекистоннинг бош қомуси – Конституцияда қафолатлангандир.

Маълумки, ўзбек миллатининг маданий ва маънавий мероси унинг қони ва шуурида, руҳи ва эътиқодида, Ватан озодлиги учун курашида, жисмоний қувватида, ақлий салоҳиятида, руҳий туйғуларида, орзуларида, истак ва майлларида мужассамлашган. Миллатнинг ақлу шуури ва жаҳонда тутган ўрни қолдирган мероси билан белгиланади. Буни И.Каримов қуйидагича изоҳлайди:

“Халқимизнинг тарихи ўз илдизлари билан асрлар қаърига бориб тақалади ва унинг минг йилдан кўпроқ даврни ўз ичига олади. қадимги Турон, Мавороуннаҳр, Туркистон ҳудудида равнақ топган давлатлар жаҳон маданиятини ривожлантиришда ёрқин из қолдирган”¹.

Тарихи, маънавий мероси йўқ халқнинг келажаги ҳам йўқдир. Бугунги кунимиз узоқ ўтмишимиз ва Турон тарихининг давомидир. Ўзбек халқи маданий ва маънавий меросига бепарво қараш Турон цивилизациясига баҳо беришда бирёқламаликка олиб келди. Бу совет даври ҳукмрон коммунистик мафкурасининг қолдирган аччиқ сабоқларидир. Эндиликда, истиқлол шарофати билан ўзбек халқи, миллати бундай тарихий сабоқлардан керакли

¹ Каримов И. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т.: Ўзбекистон. 1993. 167-бет.

¹ Туркистон газетаси. 1993 й. 2 октябр.

хулосаларни чиқариб олди.

Инсоният тарихий тараққиётидан шу нарса маълумки, ҳар қандай соғлом янги ғоя кенг жамоатчиликнинг онгига чуқур сингса, ҳаётда чуқур илдиз отса, амалиётда ўзини тўла оқласа ўшанда реал воқеликка, катта ижтимоий кучга айланади. Айни пайтда, одамларимизда мустақиллигимиз ҳақида билим ва ғоя, миллий истиқлол мафкураси тўғрисида тасаввур бўлса-ю, лекин ана шу билим ва ғоя иймон ва эътиқодга, дунёқарашга айланмаса, бундай мафкуранинг замини бўш бўлади, мустақилликни мустаҳкамлашда, асраб авайлашда амалий аҳамияти бўлмайди. Шу нуқтаи назардан Президент Ислам Каримовнинг "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли", "Ўзбекистон келажаги буюк давлат", "Янги уй қурмай туриб, эскини бузманг", "Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик", "Ўзбекистон XX аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шароитлари ва тараққиёт кафолатлари", "Ўзбекистон XXI асрга интилоқда", "Тарихий хотирасиз келажак йўқ", "Жамиятимиз мафкураси халқни - халқ, миллатни - миллат қилишга хизмат этсин", "Миллий истиқлол мафкураси халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир" ва унинг Олий Мажлис 2-чақириқ 9-сессиясида қилган маърузасида ҳамда асарларидаги бебаҳо илмий-назарий қоидалар, дастурий йўл-йўриқлар халқимизнинг ғоявий-сиёсий, умуман, бутун маънавий дунёси-ни миллий истиқлол ғояси негизлари асосида бойитишда, унга ишонч ва эътиқодни мустаҳкамлашда, айниқса, катта аҳамиятга эга. Ушбу китобларда мустақиллигимизни мустаҳкамлашнинг энг долзарб муаммолари, назарий асослари, илмий-амалий ечимлари чуқур ва ҳар томонлама ёритилибгина қолмай, айни бир пайтда миллий истиқлол мафкурамизни одамлар онги ва қалбига сингдиришнинг йўл-йўриқлари ҳам кўрсатиб берилган¹. Бироқ бу анча мураккаб, масъулиятли жараёндир. Шошма-шошарлик қилиш, ўйламасдан иш тутиш, ўзибўларчилик асосида

¹ Шарифхўжаев М. Ўзбекистон янги ғоялар, янги ютуқлар. - Т.: 2002. 11-бет.

ҳаракат қилиш, юксак масъулиятни унутиб қўйиш миллий истиқлол мафкурасини турмушга жорий этиш масаласига катта зиён етказиши ҳеч гап эмас. Бундан жуда эҳтиёт бўлмоқ лозим. Чунки "Мафкура - ўтмиш ва келажак ўртасидаги кўприқдир". Шу ўринда биз яна инсоният жамияти ўз тараққи-ётида эришган барча ютуқлар, энг аввало, умуммиллий мафкуранинг барчани бирлаштирувчи куч бўлганлигини таъкидламоқчимиз. Президент Ислон Каримов бу масаланинг долзарблигини Олий Мажлиснинг 2-чақириқ I сессиясида сўзлаган маърузасида (22 январь 2000 йил) "Бизнинг бош стратегик мақсадимиз қатъий ва ўзгармас бўлиб, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини шакллантиришдан иборат. Бу - лўнда қилиб айтганда, ривожланган давлатларнинг тажриба ва тараққиёт моделларидан кўр-кўрона нусха кўчирмаган ҳолда, уларга хос юксак ҳаёт даражаси ва сифатига эришиш демак-дир. Бу мамлакатимизда миллати, тили ва динидан қатъий назар ҳар бир инсоннинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланадиган, фаровон турмуш тарзи таъминланадиган демократик ривожланиш йўлини изчил давом эттириш демакдир. Ўз поёнига етган XX асрда яшаган замондошларимизнинг кўп синовлар, азобу уқубатлар, хатолар фожеалар, урушлар, қатағонларни бошидан кечиришининг асосий сабабларидан бири ғоявий курашлар, миллий-маданий мерос ва қадриятларни инкор этиш, ўзга ғояларни зўрлаб киритиш заминида рўй берди. Бу ҳақиқатни ҳеч қачон ёдимиздан чиқармаслигимиз керак.

Инсоният тарихида ахборот асри деб тан олинаётган, яъни XXI асрда ҳам, турли мафкураларнинг ўзаро кураши ҳар қачонгидан кўра шиддатли тус олмоқда. Дарҳақиқат ҳозирги даврда дунёда икки қарама-қарши қутб барҳам топган бўлсада, турли хил мақсад ва манфаатларни ифода этувчи мафкуралар тортишуви тўхтагани йўқ. Натижада, бугунги кунда ҳам баъзан бир-бирига мутлақо зид дунёқарашлар, сиёсий, миллий, диний оқимлар, мазҳаб ва секталар ўртасидаги фикр талашувлари гоҳо баҳс-мунозара доирасидан чиқиб қонли тўқнашувлар, оммавий қирғинларга сабаб бўлмоқда. Бу

мустақиллик учун катта хавф-хатардир. Ана шундай фожеаларнинг олдини олиш, уларни тинч йўл билан ҳал этишнинг бирдан бир воситаси мафкуравий таҳдидлардан сақланишдир, ўз миллий истиқлол ғоясига эга бўлишдир. Негаки, ғоявий кураш ва тортишувлардан кўзланган асосий мақсад - инсон, авваламбор, ёшлар қалбини эгаллаш, уларни ўз дунёқарашига бўйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилиш. Президент Ислом Каримов ибораси билан айтганда, "фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги эса ҳар қандай иқтисодий ва сиёсий қарамликдан ҳам кўра даҳшатлидир"¹.

Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, ахборот ва электроника асри деб аталаётган янги ХХІ асрда инсон ҳар қачонгидан турли маъно-мазмундаги мафкуравий кучларнинг таъсиридан холи бўлиши деярли имконсиздир.

Хулоса қилиб айтганда, миллий ғоянинг зарурлиги ХХІ аср вабоси бўлган халқаро терроризм, экстремизм ва радикализмга қарши курашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, «ислом динини сиёсатга айлантираётган, ёвузлик ва террорчилик мафкурасини яратаётган кўплаб радикал ва экстремистик марказларнинг, биринчи навбатда, ёшлар онгини захарлаб, зомбига айлантириб, улардан террорчилар тайёрлаш бўйича конвейер ташкил этаётган, халифалик тузишдек турли хом хаёлларни амалга оширишга уринаётган қабих кучларнинг илдизини қирқиб ташлаш керак». Демак, миллий ғояга ишонч ва эътиқод қанча мустаҳкам бўлса, у инсонларнинг шахсий, оилавий ҳаётида, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳалари орқали мустақилликни мустаҳкамлаб беришга хизмат қилади.

Миллий маънавий қадриятлар ва миллий истиқлол ғоясининг узвий алоқадорлиги уларнинг ўзаро таъсирида намоён бўлади.

Миллий ғоя маънавиятга таяниши, ундан ҳаёт ва озуқа олиши билан

¹ Каримов И. Жамиятимиз мафкураси халқни - халқ, миллатни - миллат қилишга хизмат этсин. -Т.: Ўзбекистон. 1998. 5-бет.

бирга, маънавий-руҳий ҳаётга ҳам ижобий таъсир ўтказади. Миллий ғоя қадриятларни янада юксалтириш, уларни одамларнинг онги ва қалбига сингдириш, истиқлол ва истиқболга хизмат қилмайдиган жиҳатларини бартараф этиш вазифаларини ҳам амалга оширади. Маънавий ҳаётдаги беҳисоб ҳодисаларни, қадрият ва неъматларни халқ манфаатлари ва эътиқоди нуқтаи назаридан баҳолаш – миллий ғоя мезонлари билан ўлчанади.

Миллий ғоя даставвал, ҳар бир инсон учун энг яқин бўлган оилавий муносабатлар – ота-она ва фарзандлар, ака-ука ва опа-сингиллар, қариндош-уруғлар орасидаги алоқаларни юксак маънавий қадриятлар асосига қуришни тақозо этади. Ўзбек халқи яратган, жаҳон аҳли эътироф этган бетакрор ва буюк қадрият – маҳалланинг ҳурмати ва эътиборини, унинг ўз-ўзини бошқариш-даги ролини ошириш ҳам миллий ғоянинг муҳим вазифасидир.

Оламда ўзи туғилган, вояга етган юртни Ватан деб билмайдиган, қаерда қорин тўйиб, тирикчилик ўтса – шу юртда қоладиган одамлар ҳам бор. Лекин, Ватан туйғуси, ватанпарварлик ҳисси – фақат етук ва фидойи, ҳақиқий ватанпарвар инсонларга хос бўлган улкан қадриятдир. Миллий ғояга садоқат – юксак ватанпарварликда, мустақилликни мустаҳкамлаш ва Ватан равнақини таъминлашга шахсий ҳисса қўшиш истагида намоён бўлади.

Ўз миллатининг тили ва маданиятидан, шу миллатга мансублигидан ор қиладиган, унинг маданияти ва меросидан ўзини четга оладиган айрим кимсалар ҳам баъзан топилади. Аммо, ҳақиқий миллатпарвар инсон ўз халқи бошига кулфат келганда уни ташлаб кетмайди, миллий ғурур ва миллий ор-номусни ҳимоя қилишни, қадрлашни энг улуғ қадрият деб билади. Миллий ғоя бу қадриятни ҳар бир юртдошимизнинг онги ва қалбига сингдиришга хизмат қиладди.

Дунёдаги ҳамма халқларда ҳам буни англаш ва қадрлаш туйғуси мавжуд, унинг турли кўринишлари бор.

Маросимлар, урф-одат ва анъаналар ҳар бир халқнинг бетакрор бойлиги, меросидир. Ин-соннинг ҳаёти, у туғилганидан бошлаб, вафот этгунга қадар турли маросимлар доирасида ўтади. Маросимчилик

миллатнинг ўзига хослиги ва тарихий тажрибасини сақлаш ва анъаналарни келажакка етказиш воситасидир. Айни пайтда, миллий маънавий қадриятга айланган бундай урф-одат ва расм-русумлар замон талаблари асосида, миллий ғоя руҳида қайта баҳолашиб боради. Келажак тараққиётга аҳамияти бўлган қадриятлар алоҳида эътиборни талаб этади. Миллий маънавий қадриятлар таркибига кирувчи қисмларни ўзгармас ва бир даражада қотиб қолган деб ҳисоблаш мумкин эмас. Булар доимо ривожланиб, ўзаро таъсир натижасида ўзгариб, давр руҳи ва миллий ғоянинг талаблари асосида янгиланиб, маънан бойиб, ривожланиб боради.

Миллий маънавий қадриятлар минг йиллар давомида шаклланган, тарих синовларига дош бериб, неча-неча авлодлардан ўтиб келаётган маънавий бойлик эканлиги, шубҳасиз. Лекин бу бойликлар ўз-ўзидан ва осонликча қадриятга айланмайди. Улар жамият аъзолари, турли гуруҳ ва жамоалар томонидан ўзлаштирилганда, ҳаётий қўлланма сифатида қабул қилингандагина қадриятга айланади. Том маънодаги қадрият мақомини олиш учун булар одамлар ва ижтимоий гуруҳ-ларнинг ички дунёси ва турмуш тарзига сингиши, фаолиятини йўлга солиш ва баҳолаш мезонига айланиши керак.

Маънавий қадриятларнинг аҳоли кенг қатламлари, айниқса ёш авлоднинг «мулки»га айланиши ўз-ўзидан содир бўлмайди. Бунинг учун шу миллат тақдири ва истиқболига бефарқ қарамайдиган илғор вакилларнинг саъй-ҳаракати талаб этилади. Моддий ва маънавий бойликлар, агар миллий тарбия тўғри йўлга қўйилмас экан, чанг босган китоблар, нураётган осори-атиқалар, мазах қилинадиган удумлар даражасига тушиб қолади.

Жамиятдаги турли кишиларнинг, ҳар хил гуруҳ ва табақаларнинг маънавий бойликлар ва мезонларга муносабати турлича бўлади. Ҳар бир шахс ва гуруҳ ўз манфаатларидан келиб чиқиб, қадриятларни идрок этади, ўз тарбияси ва савиясидан келиб чиқиб, маънавиятни ўзлаштиради.

Хулоса қилиб айтганда, миллий маънавий қадриятлар ва уларга содиқлик ижтимоий ҳаётнинг ва маънавий борлиғимизнинг муҳим ва

серқирра соҳаси бўлиб, инсон ва жамият камолотида муҳим аҳамият касб этади. Миллий кадриятлар муттасил ривожланиб, такомиллашиб боради. Буларнинг ижтимоий гуруҳлар ва алоҳида шахслар томонидан ўзлаштирилиши таълим ва тарбияни талаб қилади.

2.2. ИСЛОМ МАЪРИФАТИНИНГ МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯДАГИ ЎРНИ

Ҳар қандай миллатнинг тарихий тараққиётини белгиловчи миллий менталитетини биринчи навбатда ўша халқнинг диний эътиқоди белгилайди.

Миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғоялари бўлган, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро ҳамжиҳатлик, диний бағрикенглик тамойилларини амалга ошириш авваламбор мафкуравий тарбияга ва у орқали фуқароларни пировард мақсадимиз, Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишга жалб этишга боғлиқ. Миллий истиқлол мафкурасини фуқаролар онгига синдриш, уларда ватанпарварлик ва юксак идеалларга содиқлик руҳда тарбиялашда миллий менталитетимизнинг асосий бўғини ҳисобланган ислом маърифатининг ўрни каттадир. Бу жараёни теран тушуниш учун дастлаб мафкуравий тарбия тушунчасини теран тушуниш лозим.

Мафкуравий тарбия- инсон, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамият дунёқарашини шакллантиришга, уларни муаян мақсадларни ифода этадиган ғоявий билимлар билан қуроллантиришга йўналтирилган жараён. Жамиятдаги ҳар бир ижтимоий куч ёки аҳоли қатламлари ўз мақсад ва манфаатлари, интилишларини ифодаловчи ғоялар тизимини яратгач, бошқа гуруҳларни ҳам

шу ғоялар таъсирига тортишга, ўз тарафдорлари сафини кенгайтиришга ҳаракат қилади. Ғоялар ҳаққоний ва адолатли бўлиб, кўпчиликнинг талаб ва эҳтиёжларига мос келса, бу соҳадаги тарбия воситалари таъсирчан, тарбиячилар фаол ва фидоий бўлса кўзланган мақсадларга эришилади. Жамият, халқ ҳали манфаатларини тўлиқ англаб етмаган, ўз мафкурасини шакллантириб, мақсадлари сафарбар бўлмаган ҳолларда бегона ва зарарли ғоялар таъсирига тушиш эҳтимоли ортиб боради. Бу эса ғоявий тарбияни йўлга қўйиш, соғлом мафкура тамойилларини аҳоли қалби ва онгига мутассил сингдиришни долзарб вазифага айлантиради.

Ўзбекистон шароитида мафкуравий тарбиянинг асосий вазифаси – халқимизнинг озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзу истаклари, мақсадларини, миллий истиқлол мафкурасининг моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш, айниқса ёшлар онгига сингдиришдан иборатдир. Миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғоялари бўлган, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро ҳамжиҳатлик, диний бағрикенглик тамойилларини инсонлар тафаккурда мустаҳкамлаш ва жамият ҳаётига тадбиқ этиш ислом маърифати орқали ҳам ривожлантирилган¹.

Ижтимоий ҳамкорликка асосланган, эркин демократик жамият барпо этишни кўзлаётган давлатларда миллий мафкура аҳолининг барча қатламларни жипслаштиришга, умумманфаат ва ягона мақсад йўлида бирлашишга чорлайди. Бундай мафкураладар зиддиятли жиҳатлар эмас, умуминсоний тамойиллар кучайиб боради.

Ўзбекистон халқининг миллий истиқлол мафкураси жамиятни жипслаштиришга, буюк келажак йўлида ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилишга, барпо этилаётган эркин фуқаролик жамиятида ҳар бир ютрдошимизнинг ўзига хос ўрни бўлишига эришишига сафарбар этади.

¹ Юсупов Э. Истиқлол йўлида. –Т.: Фан. 1996. 75-бет.

Ўзбек халқи азалдан дин ва диёнатни чуқур эҳтиром қилиб келган, уни ўзининг яловбардорига айлантирган халқлардандир. Юртимизда етишиб чиққан заковат эгалари нафақат дунёвий, балки диний илмларни эгаллаш, уларни қадрият даражасига кўтаришда чексиз хизмат қилдилар. Ислом дини, тасаввуф таълимоти араб мамлакатларида пайдо бўлган бўлса ҳам, уларнинг камолотга етишишига Марказий Осиё худудидан етишиб чиққан мутафаккирлар бекиёс ҳисса қўшганликларини жаҳон илмий жамоатчилиги тан олган. Айнан ислом дини халқимизнинг тарихий тараққиётида катта аҳамиятга эга бош тарихий омил бўлиб келган.

Шарқда, яъни Турон заминида эса жамият ривожини ва бунёдкорлик ғоялари хусусида Абу Наср Фаробий, Ибн Сино, Алишер Навоий қарашлари ўзига хос ўрин тутди. “Ал-муаллим ас-Соний” (“Иккинчи муаллим”), Шарқ Аристотели деб ном олган Абу Наср Фаробий (873-99 йй.) ўзининг “Фозил одамлар шахри”, “Фуқаролик сиёсати”, “Бахт саодатига эришув ҳақида” каби асарларида олижаноб жамият, адолат тузум ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилиб, ўз даври учун изчил таълимот яратди. У ҳар томонлама етук, барча аҳолини бахт саодатга, илм-маърифатга олиб боровчи идеал жамият ҳақидаги ғояларни илгари сурди.

Ўз даврининг буюк мутафаккирлари Абу Райхон Беруний ва Абу Али Ибн Синонинг бу борадаги қарашлари ҳам ўзига хосдир. Улар ҳар бир нарсани кузатиш ва тажриба асосида ўрганишга, кейин хулоса чиқаришга интиланлар, барча бунёдкорлик инсоннинг меҳнатига боғлиқлигини таъкидланганлар. Буюк ўзбек шоири, мутафаккири ва давлат арбоби Алишер Навоий эса ўз асарлари билан жамият тараққиётининг замонасига хос фазилатларини ёритишга ҳаракат қилган. У шеърлари ва достонларида разолатга, беқарорликка, урушу жанжалларга, маърифатсизликка қарши кураш ғояларини улуғлайди. Инсонларни меҳнатга, яратувчанликка, адолатга чақиради. Унинг орзулари “Фарход ва Ширин”, “Садди Искандарий” каби достонларида ўз ифодасини топган.

Ислом таълимотининг маърифий, инсонпарварлик ғоялари билан

ёшларимизни баркамол инсон қилиб тарбиялаш, вояга етказиш орқали мустақиллик руҳида тарбиялаш, дунёвий билимлар билан бирга диний таълимотнинг ижобий томонларини ўргатиш асосида уларни комил инсон қилиб тарбиялаш ҳозирги куннинг муҳим масалаларидандир. «Биз фарзандларимизни дунёвий билимлар билан бир қаторда Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандий таълимоти, Термизий ўғитларлари, Яссавий ҳикматлари асосида тарбия қилмоқдамиз»¹, - дейди И. Каримов.

Ҳозирги замон ёшлари тарбияси тўғрисида гапирар эканмиз, бу жараёнда миллий қадриятлар билан бир қаторда диний қадриятларнинг имкониятлари, айниқса, ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзини англаш орқали шахснинг ўзида ижобий сифатларни тарбиялаш борасидаги бой ва кучли таъсир воситаларидан унумли фойдаланиш жуда муҳимлигини таъкидлаш зарурдир. Ҳақ йўлига ундаган умумбашарий қадриятларни ардоқлаб ўрганишимиз, ҳалоллик, бунёдкорликка ундаган покиза, ростгўй, меҳр-шафқат, одамийлик, ватанпарварлик, халқпарварлик руҳидаги таълимотдан ёшларни тарбиялашида фойдаланиш усул ва воситаларини ишлаб чиқиш лозим.

Зеро, Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, «Дин давлатдан ажратилгани билан жамиятдан ажратилгани йўқ». Мустақиллик ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, жумладан, маънавий ҳаётдаги янгиланиш жараёнини, туб ўзгаришлар даврини бошлаб берди. Динга бўлган муносабат тубдан ўзгарди: собиқ совет тизимининг динга атеистик хужумкорлик сиёсатига барҳам берилди, виждон эркинлиги қонун орқали кафолатланди. Дин ва дунёвий давлат орасидаги муносабат ҳақида гап кетар экан, энг аввало, диннинг давлатдан ажратилиши тамойилини унинг асоси эканини таъкидлаш зарур. Бу ҳақда Конституциямизнинг 61-моддасида шундай дейилади: «Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг

¹ Каримов И. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. –Т.: Ўзбекистон. 2000. 12-бет.

фаолиятига аралашмайди¹».

Мазкур моддада муҳим қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган. Аввало, диний ташкилотлар қайси конфессияга тааллуқлилигидан қатъий назар, бир хил ҳуқуқий майдонда фаолият олиб борадилар. Бугунги кунда республикамизда 16 та ноисломий конфессияга мансуб 186 та ташкилот эмин-эркин фаолият олиб бораётгани ҳам бунинг амалий ифодасидир. Қолаверса, диний бирлашмалар фаолиятини ташкил этиш уларнинг ички иши ҳисобланади ва давлат назоратидан холидир.

Шу билан бирга, диний ташкилотлар давлатдан ажратилган бўлса-да, бу диннинг жамиятдан ажратилганини англатмаслигини таъкидлаш зарур. Зеро, бирор динга эътиқод қилувчи фуқаролар ҳам жамиятнинг таркибий қисми ва шу сабабли дин фуқаролик жамиятида ўз мавқеига эга бўлади.

Дин ва жамият ҳаётидаги диалектик алоқадорликдан дин ва дунёвий давлат муносабатини белгилаб берувчи бошқа бир тамойил - дин соҳасида кечаётган ўзгаришларни ҳолис ва илмий ўрганиш, башорат қилиш ва шундан келиб чиқиб, ижобий жараёнлар ривожига янада кенгроқ имконият яратиш, салбий ҳолатларнинг олдини олишдир.

Давлатнинг динга бўлган муносабатини ифодаловчи бошқа бир тамойил шундан иборатки, давлат динни халқ маънавиятининг узвий қисми сифатида тан олади. Шундан келиб чиқиб, унинг ривожини учун тегишли шарт-шароит яратишга ҳаракат қилади.

И.А.Каримовнинг Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқида бу тамойил ўзининг ёрқин ифодасини топган: «Мамлакатимизни демократик тамойиллар, илм-фан ютуқлари, юксак технологиялар асосида модернизация қилиш билан бирга, муқаддас динимизни, миллий ўзлигимизни асраб-авайлаб яшашни мақсад қилиб қўйганмиз». Бу фикрлар ҳаётий воқеликка айланмоқда.

Ўзбекистон давлатининг дунёвийлик, диний бағрикенглик, барча динларга бир хилда муносабат, жамият тараққиётида дин билан ҳамкорлик

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонуни” -Т.: Адолат. 5-6 бетлар.

килиш хусусиятлари ушбу тамойил асосида амалга оширилади. Чунки конституциявий дунёвий-маърифий давлатда виждон эркинлиги қонуни диний эътиқоди ва дунёқарашидан қатъий назар, сиёсий хоҳишларини билдиришда барча фуқароларнинг тенг иштироки тамойилига риоя қилади¹.

Миллий ғояга бағишланган мавжуд адабиётларда Президентимиз томонидан асослаб борилган ғоя - юртимизда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишга хизмат қиладиган яхлит ва изчил таълимотдир деган назарияга асосланилади. Миллий ғоянинг тарғиботи ва шаклланишида аجدодларимиз мероси, хусусан ислом ва исломий қадриятларнинг ўрни ва роли алоҳидадир. Чунки, дин минг йиллар давомида инсоният ҳаётининг ҳамма томонлари билан чамбарчас боғланиб, унинг турмуш тарзига айланиб кетган. Исламий қадриятларнинг тарғиб ва ташвиқ қилиш натижасида кишиларда инсоф, иймон, виждон, бировларнинг ҳақини емаслик, ўғрилик қилишдан қўрқиш, ҳалол билан ҳаромни фарқлаш, инсонпарварлик, камбағалпарварлик, етимпарварлик, ҳайри - эҳсонли бўлиш фазилатлари шакллана борган ва бу ислом динига эътиқод қилувчиларнинг миллий хусусиятига айлана борган. Иймон келтириш ёки ишонч шундай психологик ҳолатки, унда шахснинг эътиқодига мос келадиган, муайян нарса ва ҳодисалар таъсирида онгда ўрнашиб қоладиган тасаввурлар мажмуи етакчи ўрин тутди. Иймоннинг нима экани кўппинча шахс томонидан чуқур таҳлил қилинмайди, текширилмайди, чунки унда инсоният тажрибаси, шахс эътиқод қилган ижтимоий гуруҳнинг қарашлари мужассам бўлади. Масалан, Оллоҳга иймон келтириш ҳар бир мусулмон учун фарз ҳисобланади. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом Оллоҳ таоло тарафидан келтирилган барча хабарларга тил билан иўрор этиб, дил билан тасдиқлашга иймон дейилади, яъни Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар орқали Оллоҳ тўғрисидаги, жаннат ва дўзах, қиёмат каби қайбий нарсалар ҳақида берилган хабарларга ишонч – шариатда иймон деб юритилади, деганлар. Ўша ҳадиси шарифда яна “Ватанни севмоқ – иймондандир” деб зикр этилган. Булар оддий фуқарода

¹ Ҳасанов А., Мунавваров З., Миноваров Ш., Сирожидинов Ш. Ўзбекистон: динлараро ҳамжиҳатлик – тинчлик гарови. – Т.: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети. 2005. 48- бет.

шубҳа уйғотмайдиган, халқ менталитетига унинг иймониغا айланиб кетган қадриятдирки, уларга ишониш ҳар бир мусулмоннинг ва соғлом фикр юритувчи инсоннинг бурчидир. Шунинг учун ҳам халқ, ватан хоинларини энг аввало “иймонсизлар” деб лаънатлайди зеро, туғилиб ўсган ерни муқаддас билиш, киндик кони тўкилган тупроқни соғиниш, Ватан равнақи йўлида баҳоли қудрат виждон билан меҳнат қилиш – иймонлилик белгисидир¹.

Демак, эътиқодсизликдан қўрқиш керак, агар ҳеч нарсага ишонмайдиган, мақсад-маслаги номаълум кишини кўрсангиз, унга ёрдам бериш лозим, чунки бу одамдаги эътиқодсизлик нафақат унинг ўзига, балки атрофдагиларга ҳам зиён келтиради.

Эътиқодли одам аввало фойдали иш билан шуғулланади, ўзгаларга зиён келтирувчи амаллар қилмайди, ёлқон гапирмайди. У ҳар доимо лафзига амал қилади, яъни бир нарсани қиламан, деб аҳд этса, бутун кучи ва иқтидорини сафарбар қилиб, уни албатта бажаради, бошлаган ишни охирига етказди. Эътиқодли инсон нима қилаётганини, нима учун айнан шу ишни қилаётганлигини жуда яхши билади. Шу боис ҳақиқий эътиқод эгаси илмга интилади, ўз олдига аниқ мақсад қўйиб яшайди, ҳар томонлама баркамол бўлишга тиришади, яхшиларга ошно бўлиш, буюкликка ҳавас унинг ҳаётий шиорига айланади. ҳақиқий эътиқод соҳиби ўзидан оиласига, фарзандларига, инсониятга нимадир қолдиришни истаб яшайди. Шунинг учун ҳам эътиқод, шахсдаги журъат, мардлик, фидоийлик, ирода, виждон, қатъият, ҳалоллик, инсонпарварлик, ватанпарварлик каби фазилатлар билан боғлиқдир.

Миллий ва диний қадриятларнинг уйғунлашуви инсон ва жамиятнинг маънавий жамланишига хизмат қилган. Зеро, бу қадриятлар ва руҳий билимлар мазмун - моҳиятини эзгулик ва покликка даъват этувчи ғоялар ташкил этган.

«Биз мусулмончиликнинг улуғ маданий қадриятлари ҳуқуқини қайта тикладик; деган эди И.Каримов, - бинобарин, қалбимиз бу бебоҳа хазинани чуқурроқ идрок қила борган сайин халқининг ҳаёти маънавий жиҳатдан

¹ Аллакулов А. Исломунослик асослари. Т.: Ислам университети. 2008. 122-бет.

бойроқ ва ахлоқий жиҳатдан покizarоқ бўла боради»¹. Ислom дини асрлар давомида халқимизнинг нафақат диний эътиқоди, балки турмуш тарзи, маънавиятининг таркиби қисмини ташкил этиб, миллий хусусиятлари, кадриятларини ривожланишига ҳисса қўшиб келган. Бугунги кунда янги фуқаролик жамият қуришда ислom дини миллий тараққиётимизнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро, миллий ва диний кадриятларни, аждодларимиз меросини ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, хусусан, ислomий ахлоқ - одобни мазкур таъсирчан тарғибот воситасидан унумли фойдаланиш, миллий ғоя ва ахлоқни шакллантиришга, жамиятимиз аъзолари маънавиятини бойитишга, юсак фазилатлар руҳида тарбиялашга ҳам кўмаклашади.

Марказий Осиё халқлари ҳаётига ислomнинг кириб келиши, унинг кадриятларини кенг тарғиб қилиниши натижасида минтақада миллий кадриятларини ривожланишига ва айни вақтда, миллий ғояни шаклланишига ҳам туртки бўлди. Дастлабки даврлардан бошлаб калом яъни ислom фалсафасини, диний талабларни бажаришда араб тили устиворлиги ўрнатилди. Сўнгра фан, адабиёт, фалсафа маданиятининг турларига ҳам араб тилининг таъсири кучли бўлди. Аммо ислom манбалари ва кадриятлари ҳақидаги ёзма манбалар асосан араб тилида бўлса ҳам миллий маданиятмиз, урф-одат, анъаналаримиз ривожланишда давом этди ва маънавиятимиз бойишига хизмат қилди. Демак, халқимиз ҳаётида миллий кадриятлар илм - маърифат ва маданиятнинг ривожланишида ислom кенг имкониятлар яратган. Зеро, минтақада ислomнинг халқ ҳаётига кириб келган даврдан бошлаб ташкил этилган мактаб, мадраса ва диний дорилфунунлар савод ва билимга йўл очган. Ўрта асрларда шаклланиб ижод этган саводли киши, олим, шоир, маърифатпарвар, мутафаккирларнинг ҳаёти ва фаолиятида ислom ижобий рол ўйнаган.

Диний шу жумладан, ислomий кадриятлар диний онг шаклига эга бўлган кишиларда ўз ифодасини топиб, амалиётга татбиқ этилади. Диний онг

¹ Каримов И. Ватан саждагош каби му=аддасдир. 3-жилд. –Т.: Ўзбекистон. 1996. 283-бет.

шаклланишида диний эътиқод муҳим ўрин тутди. Эътиқод сўзи араб тилидан кириб келган бўлиб, чуқур мустаҳкам ишонч маъносини англатади. Демак, диний онгни шакллантирувчи эътиқод деганда мустаҳкам чуқур ишонч, маслак, иқдор бўлиш тушинилади.

Инсонлар эътиқодини, шу жумладан диний онгни шаклланишига хизмат қиладиган восита билим ва ғоялардир. Зеро, инсон эътиқодсиз, ғоясиз, фикрлашсиз яшолмайди. Инсоният ва жамиятнинг мақсад сари етаклайдиган, ҳаракатга келтирадиган куч ғоядир. Яъни муайян мақсадлар йўлида бирлашиб ҳаракат қилишга олиб келувчи кўпчиликнинг эътиқодига айланган асосий маслак ғоядир. Диний онга асосланган диний ғоя ана шулардан биридир.

Диний онгни шакллантирувчи эътиқод ўзига хос муайян ғоя сифатида умуминсоний табиатга эга. Диний онг инсон зотида хос бўлган руҳият маънавий ҳолатдир. Диний онгнинг асосий моҳиятини белгиловчи ғоя илоҳий зот - яратувчига ишониш ва унга сўғиниш, турли диний анъана ва қадриятларга риоя қилиш орқали илоҳий ҳақиқат йўлига кириш мақсади намоён бўлади. Бу маънавий андозалар – меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, адолатлилик, имонлилик, инсофлилик, одамларни бир-бирига ишончи ва ҳурмати каби қарашлари диний онгни шакллантиради.

Шахс ва ижтимоий онгида диний ғояни шакллантириш айниқса, ислом минтақамизга кириб келган даврларда анча мураккаб ва зиддиятли жараёни бошдан кечирган. Бизнинг ҳудудимизга киритилган исломнинг ҳанафий мазҳаби энг мўътадил мазҳаблардан бўлгани учун маҳаллий халқларини мавжуд миллий урф-одатлари, анъаналари билан уйғунлашиб, диний ғояни шаклланишига кенг йўл очди. Кейинчалик эса миллий ғояни ҳам шаклланишига ўз таъсирини кўрсатди.

Республикамизда фуқаролик жамияти қурилаётган ҳозирги шароитда, миллий ғоя тарғиботида исломий қадриятлардан фойдаланиш хусусида фикр юритганда бу қадриятларнинг халқимиз тарихида ва ҳозирги вақтда тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида қисқача тўхташни лозим топдик.

Масалан, исломда, энг аввола, дин асослари – «аркон-ад-дин» ҳисобланувчи беш асосий амалий ва маросимчилик рукн талалабларини бажаришга эътибор қаратилди. Ҳозир ҳам шундай. Булар, биринчидан, калимаи шаҳодатни билиш; иккинчидан, ҳар куни беш вақт намоз ўқиш, учинчидан, ҳар йили рамозон ойида бир ой рўза тутиш; тўртинчидан, йилига бир марта шахсий молдан закот бериш; бешинчидан, имкон бўлса, умрида бир марта ҳаж қилишдан иборат. Исломга хос маросимлар ва одатлар мана шу беш рукн билан чамбарчас боғлиқдир. Исломнинг бу амалий ва маросимчилик талаблари турли элат ва халқлар турмуш тарзига киритилган, ўзига хос маънавий маданиятнинг турига, анъанага айлантирилган. Инсон тафаккурида шаклланган бундай диний ғоя ижтимоий ҳарактерга эга бўлиб, руҳиятга кучли таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга келтирган. Бу ҳолат фақат диний мазмун ва ҳаракат билан чекланмасдан, балки ижтимоий ҳаётдаги мақсадларини амалга оширишга ҳам кўмаклашган.

Исломий қадриятларни бажарадиган, ислом дини ва маънавиятига ўзини алоқадор деб ҳисобловчи ҳар бир кишида ислом рукнлари орқали аввало диний ғоя шаклланади, кейинчалик у миллийлик билан уйғунлашади.

Халқимиз тарихидан маълумки, илм-фан, адабиёт, санъат ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ҳал қилишда дунёвийлик ва динийликка нисбатан кўп ҳолда тўғри ёндошилганлиги учун ижтимоийлик ва илмий соҳада шундай жаҳонга машҳур кашфиётлар қилиндики, улар халқимизнинг маънавий-маданий меросининг олтин хазинасидан муносиб ўрин олди. Бу кашфиётларнинг эгалари ўз замонасининг, ҳаттоки ҳозирги даврнинг ҳам юксак шаклланган шахси эканлигидан далолат беради.

Аллома-олимларимиз ислом маърифатига улкан ҳисса қўшиб, доимий ўзгариш ва ривожланишда бўлган жамиятнинг мазмун-моҳияти, миллий диний ва умумбашарий қадриятларнинг айниқса, фан билан дин алоқалари ҳақида фикр юритиш билан бир вақтда давлат ва жамиятни бошқариш

Жамият тараққиётининг ҳар бир тарихий даври диний (исломий), фалсафий таълимотлар асосида талқин қилиниб келган бўлса, жамиятнинг

ҳозирги ривожланиш босқичида улар ўрнига ундан илғорроқ даражадаги таълимотларни яратиш вазифасини қўяди.

Демократик жамиятни шаклланиши ва тараққиётни амалга ошириш жараёни кетаётган ҳозирги шароитда одамлар ўртасидаги амал қиладиган ахлоқий, сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий, диний ва мафкуравий муносабатларининг яхшилаш ва мустаҳкамлаш учун халқимиз маънавиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратади. Зеро, миллий ва диний қадриятларнинг ахлоқий, ҳуқуқий жиҳатларини мустаҳкамлаш комил инсонни шакллантиришга, фуқаролик жамиятини асосларини яратишга хизмат қилади.

Ислом динини қабул қилган ҳар бир мусулмон учун диний маросимчилик талабларини бажаришдан ташқари ҳаётда ҳалол, пок, виждонли бўлиш, ҳалол ва ҳаромнинг фарқига бориш, бошқаларининг мулкига кўз олайтирмаслик, оила қуриш билан ўз фарзандларини ислом таълимоти, талаби руҳида тарбиялаш, ҳалол меҳнат қилиш билан кун кечириш каби ахлоқий нормалар мужассам бўлиши талаб қилинади. Шунингдек, бу таълимотда давлат, жамият, ота-она, ватанга муҳаббат инсонпарварлик, адолат, ҳалоллик мезонлари халқлар маънавиятини шаклланишининг асосини ташкил қилган¹. Бундай даъватлар ислом эволюциясининг қайси даврида бўлмасин ўзининг тарбиявий аҳамиятини йўқотмаган аксинча, ислом динига эътиқод қилганлар маънавиятини шакллантиришга ўз ҳиссасини қўшиб келган. Унинг бу жиҳати, яъни жамиятда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштиришга қўшаётган ҳиссасига ҳозирги фуқаролик жамияти шакллантирилаётган мамлакатимизда ҳам муҳим тарбиявий-ахлоқий аҳамият касб этмоқда.

Жамият ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани сингари маънавий, жумладан ахлоқий нуқсонлар ҳукм сураётган ҳозирги даврда исломнинг меҳр-шафқат, мурувват, саҳоват, одамийлик, ҳалоллик хусусидаги панд насиҳатларидан умуминсоний қадриятлар сифатида фойдаланиш ғоят

¹ Хўжамуродов И. Ислом, миллийлик, қадриятлар. -Т.: 1993. 68-бет.

ўринлидир, ҳаётимизнинг маънавий жабҳалари қайта қурилаётган ҳозирги даврда исломнинг регулятив функциясининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда¹. Ўзбекистон мусулмонлари идораси турли хилдаги хайри эҳсон, саховат жамғармаларини ташкил этиб, хожатмандларнинг дардига малҳам бўлмоқда; шўролар даврида вайрона ҳолатига келган маданий ёдгорликларни ва тарихий обидаларимизни давлат маблағлари ва умумхалқ хашари йўли билан таъмирлаш ишларини олиб бормоқда.

XX асрнинг охиригى XXI асрнинг бошларида жамият ва инсоният цивилизацияси тараққиёти тубдан ўзгариб, дунёда ижтимоий ҳаёт ривожига, тинчликка таҳдид солувчи глобал муаммолар: диний фундаментализм ва экстремизм; халқаро терроризм ва наркобизнес; коррупция ва уюшган жиноятчилик; экологик онглик ва биогенетик бузилишлари каби иллатлар, хавф-хатарлар жаҳон ҳамжамятини ҳақли равишда ташвишга солмоқда.

Биосферани секин-аста неосферага ўтиши мумкинлиги ҳақидаги назарияни илгари сурган академиклар В.И.Вернадский, Н.Н.Моисеев ва бошқалар XXI аср инсониятни яшаб қолиши учун кураш босқичи бўлишига эътибор қаратган эдилар. Агар ўтган асрда ички ва ташқи жамоавий ҳарбий хавфсизлик ҳақида фикр юритилган бўлса, эндиликда юқорида қайд қилинган таҳдидлар кўндаланг бўлмоқда.

Бу таҳдидлар олдини олиш ҳар бир мамлакат тараққиётининг устувор йўналишини ташкил этаётганлиги табиийдир. Бу ҳақда юртбошимиз И.Каримов шундай деган эди: «Бугунги кунда терроризм, экстремизм ва радикализмга қарши кураш дунё мамлакатларини бирлаштирадиган асосий омил бўлиб қолмоқда»¹.

Бундай мафкуравий иммунитет тизимини шакллантиришда мафкуравий профилактиканинг ўрни катта. Зеро, у ўз моҳиятига кўра, ёт ғояларнинг кириб келишининг олдини олиш ва уларни йўқо тишга қаратилган чора - тадбирлар мажмуини ўз ичига олади. Демак, мафкуравий профилактика

¹ Эркаев А. Маънавият ва тараққиёт. -Т.: Маънавият. 2009. 187-бет.

¹ Каримов И. Бизнинг бош маъсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. 64-бет.

хилма-хил шаклларда ижтимоий институтлар томонидан амалга ошириладиган ғоявий- тарбиявий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ишлар мажмуини, бир сўз билан айтганда, бу соҳада тўғри ташкил этилган таълим-тарбия тизимини қамраб олади.

“Миллат бор экан, миллий давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлигига, анъана ва урф-одатларига таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар домий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррар”,- деб ёзади Президентимиз. Шундай экан, вояга етаётган ҳар бир фарзандимизни маънавий баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун, бир сўз билан айтганда, кучли мафкуравий иммунитетга эга шахс сифатида тарбиялаш озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишнинг асосий шартларидан бири бўлиб қолаверади.

ХУЛОСА

Мафкура ва мафкуравий тарбия масаласи ўз мустақиллигини қўлга киритган, демократик ҳуқуқий давлат, эркин фукаролик жамиятининг асосларини яратаётган мамлакатимиз учун ҳам муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Зеро, кўзланган мақсадларга ушбу орзу-умид ва интилишларни ўзида мужассамлаштирган ғоявий-назарий қарашлар мажмуи бўлмиш миллий мафкура ва унга асосланган тарбия тизимисиз эришиш мумкин эмаслиги аниқ.”Мен,- деб ёзади Президентимиз,-Абдулла Авлониининг “Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат-ё фалокат масаласидир” деган фикрини кўп мушоҳада қиламан.Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир”¹

Бу масаланинг долзарблиги юқорида қайд этилган мафкура шакллариининг хавфини бартараф этиш зарурлиги билан ҳам белгиланади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, уларга ғоя ва маърифат билан қарши курашиш лозим. Мамлакатимиздаги мавжуд ижтимоий ҳамкорлик, миллий бирлик ва ҳамжихатликни сақлаб қолиш ва ривожлантириш йўли билангина қўлга киритилган истиқлолни ҳимоя қиламиз. Халқаро ҳамжамият, шу жумладан тарих тақозоси билан алоқалар кучли ривожланган давлатлар билан тенг ҳуқуқли, иззат-икромли муносабат, ўзаро манфаатли алоқалар эса мустақилликни мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Ана шундагина, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, минтақамиз ҳеч қачон цивилизациялар тўқнашмайдиган, балки улар бир - бирига таъсир этиб, бир - бирини бойитишнинг ибратли намунасини берадиган маконга айланади.

¹ Каримов И. Жамиятнинг мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. Т.: Ўзбекистон. 1998. 17-бет.

Маълумки, халқимиз азалдан ислом дини ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшиб келади. (37) Бу ҳақиқатни жаҳон жамоатчилиги, бутун мусулмон дунёси яхши билади ва тан олади. Нуфузли халқаро ташкилот бўлмиш Ислом конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси-АЙСЕЕСКО томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани ҳам ана шундай юксак эътирофнинг яна бир тасдиғидир.

Буюк мутафаккир ва алломаларимизнинг ислом маданиятини равнак топтиришга қўшган бетакрор ҳиссаси тўғрисида сўз юритганда, энг аввало, ҳақли равишда мусулмон оламида «муҳад-дислар султони» дея улкан шуҳрат қозонган Имом Бухорий бобомизнинг муборак номларини ҳурмат-эҳтиром билан тилга оламиз. Бу мўътабар зот меросининг гултожи бўлмиш энг ишончли ҳадислар тўплами -«Ал-жомеъ ас-саҳиҳ» китоби ислом динида Қуръони каримдан кейинги иккинчи муқаддас манба бўлиб, аҳли ислом эътиқодига кўра, у башарият томонидан битилган китобларнинг энг улуғи ҳисобланади. Мана, ўн икки асрдирки, бу китоб миллионлаб инсонлар қалбини иймон нури билан мунаввар этиб, ҳақ ва диёнат йўлига чорлаб келмоқда.

Яна бир улуғ ватандошимиз-Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизийнинг маънавий мероси, жумладан, «Сунани Термизий» асари ҳам мусулмон оламида ана шундай юксак қадрланади. Алломанинг асрлар давомида олиму фузалоларга дастур бўлиб келган инсоф ва адолат, инсон(38)парварликни тарғиб этувчи ғоялари ҳозирги мураккаб давримизнинг кўплаб ахлоқий-маънавий масалаларини ҳал этишда ҳам муҳим аҳамият касб этиши билан эътиборга моликдир.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Имом Бухорий вафот этган йили, яъни милодий 870 йили тарихимиздаги яна бир мумтоз сиймо-Имом Мотуридий таваллуд топган экан. Бу воқеа замирида шахсан менга илоҳий бир боғлиқлик, Оллоҳнинг буюк марҳамати бордек, бамисоли Имом Бухорийнинг нурли қаламини Имом Мотуридий олиб, ул зотнинг хайрли ишларини давом эттиришга бел боғлагандек туюлади. Имом Мотуридий бобомизнинг ўрта

асрлардаги ғоят хатарли ва таҳликали бир вазиятда ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, авлодларга ибрат бўладиган маънавий жасорат намунасини кўрсатиб, ислом оламида «Мусулмонларнинг эътиқодини тузатув-чи» деган юксак шарафга сазовор бўлгани бу нодир шахснинг улкан ақл-заковати ва матонагидан далолат беради.

Юқорида баён қилинган фикрлардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: биринчидан, исломий қадриятлардан ҳозирги даврда фойдаланиш асосида миллий ғоя ва ахлоқнинг шакллантириш кишиларнинг маънавий камолоти ва у билан боғлиқ жамиятнинг маънавий-ахлоқий юксалиши билан амалга ошади; иккинчидан, Ўзбекистон истиқлолга эришган биринчи йиллардан бошлаб, кишилар маънавиятини юксалтиришга эътибор берилиб, миллий ғоя ва мафкурани яратишда аجدодларимиз мероси, айниқса, исломий қадриятларни тиклаб, унинг фойдали тамонларини жамият юксалиши учун ишлатишга эътибор қаратилди. Бу ҳақда Президент Ислом Каримов бундай ёзади: «Истиқлол шарофати билан маънавият булоқларининг кўзи очилди, биз бу булоқнинг зилол сувларидан баҳраманд бўла бошладик. Шўро даврида унитилган қадриятларимиз, номи қораланган бобокалонларимизнинг дурдона сўзларини биз оби кавсардек кўзимизга суртмоқдамиз»¹; учинчидан, жамиятнинг маънавий юксалишида ва мафкуравий тарбияда исломий қадриятларнинг ва маданий меросининг ўрни беқиёсдир. Чунки, авлодлар қолдирган қадрият ва мерос, хусусан Қуръони карим, ҳадиси шариф ва шариат аҳкомларида тарғиб қилиб келинган қадриятлар асрлар оша бизгача етиб келиб, кишилар онги ва қалбидан чуқур ўрин олди. Бу қадриятларнинг ривожланиши ва бойиб боришида миллийлик билан динийлик уйғунлашиб бориб миллий бирликни ва миллатлараро тотувлик, ҳамкорликни шаклланишига асос бўлди; тўртинчидан, ҳозирги вақтда ислом ва унинг қадриятларидан маънавиятни юксалтириш, эзгулик йўлида эмас, балки бузғунчилик, яъни диний экстремистик ва террористик йўлида фойдаланувчи кучлар ва ҳаракатлари мазмунини тез-тез ўзгартириб турадилар. Шунинг

¹ Инсон бахт учун туғилади. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг шикматли сўзлари. – Т.: Шарп, 1998. 35-бет.

учун улар ҳаракатини фoш қилиб бoриш бугунги кун талабидир; бешинчидан, миллий маънавиятнинг, исломий қадриятларнинг тикланиши ва ривожланиши нафақат халқнинг рухий тикланишига, миллий ғояни шаклланишига, балки ўзлигини англашига, миллий ғурур, миллий ифтихор, ватанпарварлик хисси кабиларни пайдо бўлишига кенг имконият яратади.

Миллий ғоянинг тарғиботи ва шаклланишида аждодларимиз мероси, хусусан ислом ва исломий қадриятларнинг ўрни ва роли алоҳидадир. Чунки, дин минг йиллар давомида инсоният ҳаётининг ҳамма томонлари билан чамбарчас боғланиб, унинг турмуш тарзига айланиб кетган. Исломий қадриятларнинг тарғиб ва ташвиқ қилиш натижасида кишиларда инсоф, иймон, виждон, бировларнинг ҳақини емаслик, ўғрилиқ қилишдан қўрқиш, ҳалол билан ҳаромни фарқлаш, инсонпарварлик, камбағалпарварлик, етимпарварлик, ҳайри - эҳсонли бўлиш фазилатлари шакллана борган ва бу ислом динига эътиқод қилувчиларнинг миллий хусусиятига айлана борган. Иймон келтириш ёки ишонч шундай психологик ҳолатки, унда шахснинг эътиқодига мос келадиган, муайян нарса ва ҳодисалар таъсирида онгда ўрнашиб қоладиган тасаввурлар мажмуи етакчи ўрин тутати. Иймоннинг нима экани кўппинча шахс томонидан чуқур таҳлил қилинмайди, текширилмайди, чунки унда инсоният тажрибаси, шахс эътиқод қилган ижтимоий гуруҳнинг қарашлари мужассам бўлади. Масалан, Оллоҳга иймон келтириш ҳар бир мусулмон учун фарз ҳисобланади. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом Оллоҳ таоло тарафидан келтирилган барча хабарларга тил билан иўрор этиб, дил билан тасдиўлашга иймон дейилади, яъни Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар орқали Оллоҳ тўғрисидаги, жаннат ва дўзах, қиёмат каби нарсалар ҳақида берилган хабарларга ишонч – шариатда иймон деб юритилади, деганлар. Ўша ҳадиси шарифда яна “Ватанни севмоқ – иймондандир” деб зикр этилган. Булар оддий фуқарода шубҳа уйғотмайдиган, халқ менталитетига унинг иймонига айланиб кетган қадриятдирки, уларга ишониш ҳар бир мусулмоннинг ва соғлом фикр юритувчи инсоннинг бурчидир. Шунинг учун ҳам халқ, ватан хоинларини энг

аввало “иймонсизлар” деб лаънатлайди зеро, туғилиб ўсган ерни муқаддас билиш, киндик қони тўкилган тупроқни соғиниш, Ватан равнақи йўлида баҳоли қудрат виждон билан меҳнат қилиш – иймонлилик белгисидир.

Демак, эътиқодсизликдан қўрқиш керак, агар ҳеч нарсага ишонмайдиган, мақсад-маслаги номаълум кишини кўрсангиз, унга ёрдам бериш лозим, чунки бу одамдаги эътиқодсизлик нафақат унинг ўзига, балки атрофдагиларга ҳам зиён келтиради.

Ислом динини қабул қилган ҳар бир мусулмон учун диний маросимчилик талабларини бажаришдан ташқари ҳаётда ҳалол, пок, виждонли бўлиш, ҳалол ва ҳаромнинг фарқига бориш, бошқаларининг мулкига кўз олайтирмаслик, оила қуриш билан ўз фарзандларини ислом таълимоти, талаби руҳида тарбиялаш, ҳалол меҳнат қилиш билан кун кечириш каби ахлоқий нормалар мужассам бўлиши талаб қилинади. Шунингдек, бу таълимотда давлат, жамият, ота-она, ватанга муҳаббат инсонпарварлик, адолат, ҳалоллик мезонлари халқлар маънавиятини шаклланишининг асосини ташкил қилган. Бундай даъватлар ислом эволюциясининг қайси даврида бўлмасин ўзининг тарбиявий аҳамиятини йўқотмаган аксинча, ислом динига эътиқод қилганлар маънавиятини шакллантиришга ўз ҳиссасини қўшиб келган. Унинг бу жиҳати, яъни жамиятда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштиришга қўшаётган ҳиссасига ҳозирги фуқаролик жамияти шакллантирилаётган мамлакатимизда ҳам муҳим тарбиявий-ахлоқий аҳамият касб этмоқда. Ислом маърифати комил инсон тарбиялашнинг муҳим қафолатларидан бўлиб қолмоқда. Миллий истиқлол мафкурасининг асосий вазифаларидан ҳисобланган Комил инсонни тарбиялаш борасидаги ишларнинг самарадорлигида бугунги кунда ислом маърифатига катта ҳисса қўшган аجدодларимиздан қолган илмий меросга таянгант миллий тарбия ва таълимнинг ўрни катта бўлмоқда. Ислом маърифатчилигининг эзгубахш, ватанпарварлик ғояларининг фуқароларимиз онгида тобора мустаҳкамланиб бориши, миллий истиқлол мафкурасига таҳдид солаётган ёт ғоялар, “Оммавий маданият”, диний фундаментализм ва

экстремизм ва бошқа шу каби мафкуравий таҳдидларга қарши мустаҳкам мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш билан бирга, мустақилликнинг маънавий ва ижтимоий устунларини ҳам мустаҳкамлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ РАСМИЙ ХУЖЖАТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон. 2008.
2. Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисидаги қонуни Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.–Т.:Ўзбекистон. 1997 .
3. Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Ўзбекистон. 1997.
4. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири)-Т.: Адолат. 1998.
5. “Маънавий ва маърифий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 июл Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Камолот ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисида” ги “Халқ сўзи”, 2006 йил 10 октябрь.
7. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига ўзгартиришлар киритиш ҳақида. 08.04.2007 й.

ПРЕЗИДЕНТ АСАРЛАРИ

1. Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. - Т.: Ўзбекистон. 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том.-Т.:Ўзбекистон. 1996 йил.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин 2-том.-Т.: Ўзбекистон. 1996 йил.
4. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том.-Т.: Ўзбекистон. 1996 йил.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр. 5-том.-Т.: Ўзбекистон. 1997 йил.
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида 6-том.-Т.: Ўзбекистон. 1998 йил.
7. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни - халқ, миллатни - миллат қилишга хизмат этсин. -Т.: Ўзбекистон. 1998.
8. И.Каримов Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Т.: 1999.
9. Каримов И.А.Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. -Т.: Ўзбекистон. 2007.
10. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон. 2005.
11. Инсон бахт учун туғилади. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг ҳикматли сўзлари. – Т.: Шарқ. 1998.

12. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-том.-Т.: Ўзбекистон. 2000 йил.
13. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-том.-Т.: Ўзбекистон. 2001 йил.
14. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-том.-Т.: Ўзбекистон. 2002 йил.
15. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-том.-Т.: Ўзбекистон. 2003 йил.
16. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлик ўз куч – қудратимиз, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-том.-Т.: Ўзбекистон. 2004 йил.
17. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-том. - Т.: Ўзбекистон. 2005 йил.
18. Каримов И.А. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари энг олий қадрият. 14 том -Т.: Ўзбекистон. 2006 йил.
19. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш ислохотларни чуқурлаштириш маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15 том -Т.: Ўзбекистон. 2007 йил.
20. Каримов И.А. Юксак маънавият- енгилмас куч. -Т.: Маънавият. 2008.
21. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. - Т.:Ўзбекистон. 2011.

УМУМИЙ АДАБИЁТЛАР

1. А. Эркаев. Маънавият ва тараққиёт. -Т.: Маънавият. 2009.
2. Уватов У. Буюк муҳаддислар: Имом ал-Бухорий, Имом Муслим, Имом ат-Термизий. Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси.
3. Ҳусниддинов З.М. Ислом: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. -Т.: Мовароуннахр. 2000.
4. А. Эркаев. Ўзбекистон йўли. -Т.: Маънавият. 2011.
5. Туркистон газетаси. 1993 й. 2 октябр.
6. Халқ сўзи. 2004 йил. 30 апрель.
7. Ислом. Энциклопедия.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004.
8. Абдусамедов А.Э. Динлар тарихи. Т.: ЎЗМУ. 2004.
9. Обидов Р. Қуръон ва тафсир илмлари.-Т: Тошкент ислом университети. 2003.
10. Каримов И. Маънавият, фалсафа ва ҳаёт. Т.: Фан. 2001.
11. Фалсафа . Қомусий луғат. Т.: Шарқ. 2004.
12. Марказий Осиё динлари тарихи. -Т.: 2006.
13. Қуръони карим маъноларининг таржимаси. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. Т.: Тошкент ислом университети нашриёти.
14. Ермаков Д. Хадисы и хадисная литература // Ислам (историографические очерки) / Под общей редакцией С.М.Прозорова, –

- М.: Наука. 1991.
15. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.-Т.: Янги аср авлоди. 2002.
 16. Ислом тарихи. Дарслик // А.Ҳасанов ва бошқ. – Т.: ТИУ. 2008.
 17. М.Шарифхўжаев. Ўзбекистон янги ғоялар, янги ютуқлар. — Т.: 2002.
 18. Юсупов Э. Истиқлол йўлида. –Т.: Фан. 1996.
 19. Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонуни” –Т.: Адолат. 1998.
 20. Азизхўжаев А.А. Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар. Т.: Шарқ. 2001.
 21. Ҳасанов А., Мунавваров З., Миноваров Ш., Сирожидинов Ш. Ўзбекистон: динлараро ҳамжиҳатлик – тинчлик гарови. – Т.: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети. 2005.
 22. Мустақиллик: изохли илмий-оммабоп луғат. Т., Шарқ. 1998.
 23. Хўжамуродов И. Ислом, миллийлик, қадриятлар. Т.: 1993.
 24. Аллакулов А. Исломшунослик асослари. Тошкент Ислом университети. 2008.
 25. Н. Жўраев. Ўзбекистон тарихи. -Т.: Ўзбекистон. 1999.
 26. 34. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. –Т.: 2005, 2008.

ИНТЕРНЕТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1. www.madaniyat.sport.uz
2. www.gov.uz/ru/
3. www.vak.uz
4. www.aci.uz/ru/news
5. www.uza.uz
6. www.infocom.uz
7. www.jahon.mfa.uz
8. www.rulers.narod.ru
9. www.hrono.ru
10. www.historic.ru

Иловалар:



Ислом Каримов ўзининг "Юксак маънавият - енгилмас куч" асарида дунёда ислом динига қизиқиш ва интилишнинг "... асосий сабаби муқаддас динимизнинг ҳаққонийлиги ва поклиги, инсонпарварлиги ва бағрикенглиги, одамзотни доимо эзгуликка чорлаши, ҳаёт синовларида ўзини оқлаган қадрият ва анъаналарни аجدодлардан авлодларга етказишдаги беқиёс ўрни ва аҳамияти билан боғлиқ"дир, деб таъкидлайди.

Усмон қурони маънавий меросимиз негизи



Тошкент. Ҳазрати Имом мажмуаси. Муқаддас Усмон Қуръони

Қуръони каримнинг айрим номлари

-Китоб,
-Фурқон,
-Ҳақиқат,
-Калом,
-Илм,
-Бурхон ва бошқалар.

Қуръонни бўлиниши

1. Ҳарф. 323671 (338606)
2. Сўз. 77934 (79934)
3. Руку. Жузни 10/1 бўлаги.
4. Руб. Жузни 4/1 бўлаги.
5. Сулс. Жузни 3/1 бўлаги.
6. Нисф. Жузни 2/1 бўлаги.
7. Жуз. Қуръонни 30/1 бўлаги.
8. Манзил. Қуръонни 7/1 бўлаги.

Ҳадисларда илм ҳақида

- Бешикдан то қабргача илм изла.
- Илм Чинда бўлса ҳам бориб ўрган.
- Бир соатлик илм излаш, бир кеча кундузлик тоат ибодатдан афзалдир.
- Илм: -саҳрода - дўст,
-ҳаёт чорраҳаларида - таянч,
-ёлғиз дамларда - йўлдош,
-бахтиёр дақиқаларда - раҳбар,
-қайғули онларда - мададкор,
-одамлар орасида - зебу-зийнат,
-душманларга қарши курашда-қуролдир”.

Инглиз олими Лорд Ровенпорт ислом ҳақида


«Исломни тез суръатлар билан ёйилаётганига асосий сабаб, бу диннинг маънавият масалалари буйича жуда талабчан бўлганидир. ...Мусулмонлар марҳаматли, хушхулқ ва одобли, ижтимоий адолатли, илм фанга бўлган муҳаббат ва эҳтиромда уларга тенг келадиган миллат ва халқ йўқдир. Ислом моддий бойликлардан кўра фанни афзал кўради».

«Мангу бахт саодат» китобидан.

Истиқлол ва ислом



Исломий меъморий обидалар






“Шохи зинда”



“Усмон Қуръон” мусҳафи



Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳи



“Ҳазрати Имом” мажмуаси



“Мўйи муборак” мадрасаси



Ўзбекистон Муслмонлар идораси

